

**Республика маънавият ва маърифат кенгаши
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази**

Илёс Қувондиқов

**МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР-
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ОМИЛИ**

Тошкент – 2010

Маъсул муҳаррир: Ўзбекистон ёзувчилар ижодий уюшмаси аъзоси
Шойим Бўтаев.

Сўзбоши: **Мансур Бекмуродов, социология фанлари
доктори, профессор.**

Такризчилар: **Шавкат Тўраев, фалсафа фанлари номзоди,
Алишер Юнусов, социология фанлари номзоди.**

Ушбу рисола миллий ғоя тарғиботининг долзарб масалаларига бағишланган. Унда маънавий-маърифий ишда лоқайдлик, бепарволик туфайли ҳосил бўладиган мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, анъаналаримизга, қадриятларимизга амал қилиш ҳалқимиз қудратига қудрат қўшиши ҳақида фикр юритилган. Рисола таълим тизими ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Сўзбоши ўрнида

Илёс Қувондиқовнинг қўлингиздаги “Миллий ўзликни англаш омили” номли маърифий рисоласи барчамизни огоҳликка, бедорликка, одамийликка, бир-бировимизга эътиборли бўлишга чорлаб ёзилган. Президент Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари чоп этилгандан сўнг бу мавзуда ижод қилишнинг янги уфқлари очилди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу рисола ҳам юқоридаги асар ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш йўлидаги бир ҳаракат бўлганини эътироф этиш керак.

Муаллифнинг маънавият ва маърифатга бағишлаб республикамиз матбуотидаги қизиқарли чиқишларидан кўпчилик хабардор. Ушбу рисоладаги аксарият мақолалар Илёс Қувондиқовнинг кейинги бир-бир ярим йилдаги изланишлари, кузатишлари ва олиб борган тадқиқотлари натижасидир. Мақолаларда кўтарилаётган муаммоларга муаллиф кузатувчи сифатида эмас, балки унинг иштирокчиси, шу жараёнларнинг бир жонкуяри сифатида ёндошган. Шу сабабли ҳар бир воқеа-ходисага унинг ўз позицияси борлиги, эътирофи ёки эътирози ҳам аниқ билиниб туради. Шу маънода оммабоп бу рисола кенг китобхонларга, айниқса дунёқараши шаклланиб келаётган ёшлар учун фойдалидир. Китобда келтирилган мисоллар ва тилга олинган воқеалар ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Муаллифнинг қатор мақолалари социологик заминга эга. Менталитетимизга хос бўлган катталарга ҳурмат, аёлларга, айниқса оналарга эътибор каби муқаддас анъаналаримизнинг шу кунлардаги ҳолати бўйича кузатувлар ва хулосаларнинг амалий жиҳатдан қимматли, аҳамияти ўқувчига тушунарли тилда, қиёслар асосида баён қилинган.

Рисоладан бугунги глобаллашув жараёни келтириб чиқараётган муаммолардан одам савдоси билан боғлиқ масалалар жой олган. “Одам савдоси: муаммо ва ечим” мақоласида батафсил ва атрофлича ёритиб берилган. Муаллиф бу глобал муаммони атрофлича ўрганганлиги, кўплаб мисоллар тўплаганлиги ва уларни “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида ёритгани айтиш мумкин. Одам савдоси билан курашда ҳозир ўзини-ўзи бошқариш ва бошқа мутасадди органлар услубий ва амалий кўмакка муҳтож эканлиги маълум. Рисоладан ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу китобдан узлуксиз таълим тизимида, корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган миллий ғоя ва маънавият тарғиботи мақсадларидаги тадбирларда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, китоб кенг китобхонлар оммаси учун ҳам катта қизиқиш уйғотишига ишонамиз.

**Мансур Бекмуродов,
Социология фанлари доктори, профессор.**

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислом Каримовнинг кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ҳақидаги олға сурган ғоялари фуқароларни янгича фикрлашга ундайди. Ўй-хаёлларимиз ва салоҳиятимиз мустақилликни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз фуқароларининг фаровон яшашига, юртимиз келажаги пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилгани бу ғоянинг ҳаётийлигидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бирида – давлат бош ислохотчи эканлигини кўрсатади. Бу фуқароларимизнинг янгича фикрлашини тақозо қилар эди. Аждодларимиз юз йиллаб орзу қилган мустақилликнинг қўлга киритилиши мазмун-моҳияти билан тарихий воқеа бўлган бўлса, уни мустаҳкамлаш ҳам осон кечмагани ҳаммамизга маълум. Мустақиллигимиз ижодкори бўлган Юртбошимиз ўзининг дастлабки нутқларидаёқ мамлакат тақдири янгича фикрлайдиган, мустақилликни маънан ва жисмонан қабул қилган фуқароларимизга нечоғли боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Мустақилигимизнинг 18 йиллик довонидан ортга назар ташлар эканмиз, олдимизга қўйилган вазифаларнинг қанчалик теранлигига яна бир бор амин бўламиз.

Янгича фикрлаш, албатта, аҳолининг мулкчиликка бўлган муносабатини ўзгартиришдан бошланиши керак эди ва шундай бўлди. Мамлакатимизда деҳқонларнинг ерга эгалиги масаласи муаммо бўлиб турар, серфарзанд оилалар бир парча ҳовлиларига сиғмай, дардини кимга айтишни билмай жафо чекар эдилар. Юртбошимиз ана шундай оғриқли ижтимоий масалани зудлик билан ечиш билан халқимизнинг юксак ишончига сазовор бўлди. Халқ юртбошига эргашди, мустақиллик мустаҳкамлана борди, халқимизнинг қонида бўлган мулкдорлик ҳисси тезлик билан шаклланди. Мулкдорлик янгича фикрлашни, ташаббускорлик кўрсатишни ва ислохотларга камарбаста бўлиш истагини пайдо қилди.

Президент Ислом Каримов халқнинг қарийб етмиш фойизи аграр тармоқ билан умргузаронлик қиладиган мамлакатда ерга бўлган муносабатни янада такомиллаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини шакллантириш устида қайғуриши сабабли мамлакатимизда аграр сиёсатга устувор вазифа сифатида қаралди. Шўро давридан қолган жамоа хўжаликлари ўз имкониятларини тугатиб бўлган, ишлаганга ҳам, ишламаганга ҳам ҳақ тўланавериши, топилган неъматларнинг тасарруф қилинишидаги адолатсизликлар ижтимоий меҳнатдан одамлар кўнглини тўла совутган эди. Аграр тармоқни ривожлантириш бу соҳадаги мулкчилик шаклини тубдан ўзгартиришни тақозо қиларди. Юртбошимиз ташаббуси билан жамоа хўжаликлари шакли бекор қилиниб, ерлар фермерларга бўлиб берилди. Мулкчилик шаклини ўзгартиришга тадрижий ёндошилди, аниқ экспериментлар, таҳлиллар, хулосалар асосида, секин-асталик билан иш олиб борилди. Деҳқонларнинг дунёқарашини шакллантиришда янги усуллар ва шаклларнинг устунлигини амалда кўрсатиш, шўро давридаги жамоа мулкчилигидан шахсий мулкнинг афзалликлари ҳамда бундан ҳар бир кишининг моддий манфаатдорлигини амалда исботлаш лозим

эди. Мамлакатимиздаги сурункали сув танқислигига қарамай ғалладан, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан барқарор юқори ҳосил етиштирилаётганлиги ва унинг асосий қисми фермерларимиз ҳиссасига тўғри келаётганлиги ушбу мулкчилик шакли ўзини тўла оқлаганлигини кўрсатмоқда. Бу янгича фикрлашнинг, янгича хўжалик юритишнинг ёрқин мисоли эмасми? Мустақилликнинг дастлабки йилида бир неча ҳафтага етгулик ун заҳирасига эга бўлган мамлакатимиз бугун ғалла мустақиллигига эришди. Фуқаролик жамиятини қуриш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Икки палатали Парламент шакллантирилди, дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида бизда инсонни ўлим жазосига ҳукм қилиш бекор қилинди.

Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Ҳокимият органларининг ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб борилаётгани аҳолининг бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлаш имконини бераётир. Бу айниқса сайловларимизнинг демократик талабларга тўла риоя қилган ҳолда ўтказилаётгани мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Бу нафақат мамлакатимиз, балки хориж матбуотида ҳам алоҳида таъкидланмоқда. Турли партияларнинг мавжудлиги ва улар халқ вакиллиги органлари сайловининг барча босқичларида тенгма-тенг иштирок этаётганлиги ҳам янгича фикрлаш имконини яратмоқда.

Сайловларимизнинг муқобиллик асосида ўтаётганлиги, ҳар бир фуқаронинг ўз мақсад ва истакларини баён этиш имкониятлари яратилганлиги жамиятимизнинг тўхтовсиз ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Бу борада маҳалла институтининг роли алоҳидадир. Ушбу институт миллатимиз менталитетига хос ва мос эканлиги айниқса мустақиллик йилларида алоҳида намоён бўлди. Фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари каби бирликлар жамиятимиз асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Масалаан, республикамызда 3500 дан ортиқ милиция таянч пунктлари бор. Шуларнинг 82 фойизи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода иш олиб бормоқда ва уларнинг деярли ҳаммасида спорт майдончалари мавжуд. Булар эса ёшларни жисмоний тарбия ва спортга, маҳалланинг оммавий ҳашарларига сафарбар қилиш имконини бермоқда. Фуқаролар билан, айниқса ёшлар билан доимий иш олиб бораётган ўнлаб намунали ўзини ўзи бошқариш органларини -маҳаллаларни мисол келтириш мумкин. Маҳалла нуфузининг борган сайин юксалиб бораётгани ва аҳолининг яхши-ёмон кунлари ҳам бевосита маҳалла билан боғлиқлиги бу ердаги ташкилотчиларнинг юксак савиясини ва одамлар дардини эшитишга шайлигини талаб этади.

Маҳалла оқсоқоллигига сўнгги сайловлар бу борада анчагина ижобий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатди. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг Парламент қонунчилик палатасида ҳам муҳокама этилганлиги фуқароларимиз дунёқарашини шакллантириш ишига нақадар эътибор қаратилаётганини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кам эмас. Жумладан, маҳалла

оқсоқолларининг ўқувини ташкил этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Уларнинг семинарлари, мажлис ва йиғинлари ўтказиб келинаётир ва булар баъзан керагидан-да кўп. Вилоятларда бўлганимизда оқсоқоллар шаҳар ва туманлар даражасида турли-туман йиғинларнинг кўплигидан, ҳатто ойлаб аҳолини қабул қилишдан қолиб кетаётганлари ҳақида гапириб қоладилар. Бундан кўра бизларни, посбонларни, маслаҳатчиларни аҳоли билан кундалик ишлар олиб бориш тажрибаларига ҳам назаарий, ҳам амалий жиҳатдан ўқитишса, дуруст бўлар эдику, дейишмоқда улар.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази жойларда миллий ғоя тарғиботининг янги технологиялари бўйича семинар-тренинглар ўтказмоқда. Шундай амалий ва назарий ўқишларни маҳалла фаоллари, раҳбарлари билан истиқболда яхши тажриба тўпланган маҳаллалар негизида ўтказиш фойдадан холи бўлмайди назаримизда.

2008 “Ёшлар йили”да Президентнинг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унинг бир хатбошисида шундай дейилган эди: “Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш”.

Ёш авлодни мустақил Ўзбекистонга садоқат руҳида тарбиялашда мустақиллик йилларида кўп ишлар қилинди. Ёшларнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш ҳеч маҳал кун тартибидан тушган эмас. Ҳатто диний экстремистлар, террорчилар сафига адашиб кириб қолган ёшларни Президент Ислон Каримов бағрикенглик қилиб афв этди, тўғри йўлга қайтиб, тинч-осойишта меҳнат қилмоқчи бўлганларга жамиятда ўз ўрнини топиб кетишларига имкон берди. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ҳам янгича фикрлашнинг, ёшлар ҳақида қайғуришнинг олий намунаси эмасми?

Хориждан туриб ёшларимиз онгига турли-туман ёт ғояларни тикиштиришдан манфаатдор, ёшларни чалғитиб бизга ғаразли дунёқарашни шакллантиришга интилаётган марказлар кейинги пайтларда кўпайиб бораётир. Улар ёшларимизга “Оммавий маданият”ни, унинг маҳсулотларини таклиф қилаётир, миллий қадриятларимиз қадрини тушириш, ундан совутиш, енгил-елпи, хом-хатала оммавий мусиқий ва адабий асарларга маҳлиёлик руҳида тарбиялашга уринмоқдалар. Баъзи бир ёшларимизнинг тарихни, миллий қадриятларимизни, анъана ва урф-одатларимизни суи билганидан фойдаланиб, асоси даргумон маданият маҳсулотларини тарғиб қилмоқдалар. Ёшлар орасида буни қабул қилаётганлар кўп бўлмаса-да, учраб турибди. Бунинг олдини олишда ёшлар онгига аввало миллий қадриятларимизни чуқур сингдириш зарур бўлади. Бизлар кимларнинг авлодлари эканлигимизни бир зум ҳам унутмаслигимиз керак, деб огоҳлантирган эди муҳтарам Юртбошимиз. Шундай экан, биз миллий қадриятларимизни унутишга ёки уни сийқаси чиққан “оммавий маданият” маҳсулотларига алмаштирмаслигимиз лозим. Бу эса огоҳликни талаб этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президент Ислон Каримовнинг: “Фарзандларимиз, ёшларимиз

бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”,-деган сўзлари ёшларимизга билдирилган юксак ишонч ҳамда янгича фикрлашимиз учун жиддий туртки вазифасини ўтаётганига шубҳа йўқ.

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМ

Бирор гуноҳ ишга кўзинг тушиб қолса, уни аввало қўлинг билан тузатишга интил. Агар бунга қурбинг етмаса, тилинг билан тузатишга интил, ҳатто шуни ҳам эплай олмасанг, дилингда нафратланиб тургинки, бу имонинг сустлигидан далолатдир, дейилади Ҳадисларда. Биз ҳар куни кўплаб одамлар билан учрашамиз, мулоқотда бўламиз, гуноҳ ишларга ҳам, савоб ишларга ҳам кўзимиз тушади. Одамларнинг савоб ишларидан кўзимиз қувнаса, гуноҳ ишлар дилимизни оғритади. Хўш, ёнимиздаги ана шундай одамларга бизнинг муносабатимиз қандай бўлмоғи керак?

Ёнимиздаги одамлар - қўшнимиз, ҳамкасбимиз, йўлдошимиз ва ниҳоят замондошимиз. Улар билан маҳаллада, шаҳарда, шу юртда жамиятда ёнма-ён яшаймиз. Мақсадларимиз ҳам асосан бир хил – тинч ва фаровон ҳаёт кечириш, фақат унга эришиш йўлларини ҳар биримиз ўзимизча ҳал этамиз. Шу маънода ёнимиздаги кишининг қандай яшаши, нима билан нафас олиши ва жамият аъзоларига муносабати аҳамиятсиз нарса эмас. Бу ҳаммамизга ва ҳар биримизга тегишли, аслида шундай бўлиши керак. Бирортамизнинг ҳаёт тарзимизда, кайфиятимизда ўзгариш содир бўлса, албатта бу ёнимиздаги кишига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди.

Агар бир кишининг кайфияти бузилса, бировга бақириб-чақирса, уни ўраб турган микромуҳитга салбий ионлар тарқалади, муҳит ифлосланади, салбий заррачалар билан булғанади. Буни фан аллақачон исботлаган. Салбий кайфиятдаги шахс саркофаги очилиб кетган атом электростанцияси уран нури тарқатаётгани сингари атрофга хавфли биологик нурлар тарқатиб тураверади.

Жоҳиллик, ғазаб ва нафрат отига минган кишилар билиб-билмай асабийлик зарядини тарқатаверишади. Айниқса улар дунёқараши шаклланиб келаётган ёшлар учун жуда хавфли. Бу манба тезроқ ўчирилмаса, зарарсизлантирилмаса, унинг босими тобора кучаяверади. Асабийлик юқувчан ва тарқалувчандир. Ёшлар, болалар асабийлашишни вояга етганлик, шахс мустақиллиги белгиси сифатида қабул қиладилар ва бу одатга айлана боради.

Халқимизда қовун-қовундан ранг олади, деган доно гап бор. Муҳит таъсирида кунда-кунора дунёқараши шаклланаётган ўсмирлар ва ёшлар асабийлашиш ва жоҳилликка дуч келаверса, бу уларнинг характериға сингиб кетади. Ёнимиздаги одамнинг ўринсиз асабийлашиши бир қарашда майда нарсасидек туюлса-да, аслида жамоадами, уйдаи ёки маҳалла-куйдаи, беқарорлик келтириб чиқариши аниқ. Жоҳиллик жоҳилликни туғдиради. Бу ҳаётимизга ёприлиб кириб келаётган “оммавий маданият”нинг бир кўриниши. Қолаверса, бизда жоҳиллик ва маданиятсизликни урчитишдан манфаатдор бўлган мафкуравий мухолифларимиз ҳам бор. Улар бугун эътиборини айнан маънавиятимизни дарз кетказишга қаратаётганини унутмайлик. Жоҳиллик мафкуравий иммунитети суст ёшлар қалбини тезгина эгаллаш кучига эга. Иллатни ўзлаштириб олиш доимо осон ва атрофдагиларда у қолдирадиган асорат ҳам таъсирчан. Кибр ёшларни маълум муддат маънан рағбатлантиради,

уларнинг баъзилари назарида сунъий ҳайратни ҳосил қилади. Бу арзону гаров ҳайрат бўлса-да, ўша муҳит учун мароқли. Аслида бу манманлик, жоҳиллик уруғини тарқатишнинг бир кўриниши.

Жамиятни беқарорлаштириш, айтилганидай, мафкуравий ғанимларимиз режаларининг муҳим бўғинига киради. Ёнимиздаги одамнинг мафкурасини бузиш, унинг дидини саёзлаштириш, кайфиятини беқарорлаштириш уларнинг мақсади. Айтайлик, ёнимиздаги одам сўкинди, қарғанди ва ғазабнок бўлиб атрофдагиларга нафрат билан қаради. У аламзада, аламини кимга сочишни билмайди. Кимдир унга ачиниб тикилса, гўёки у душман. Бундай одамни ақл эмас, балки ҳис-ҳаяжон ва нафрат бошқараётган бўлади. Унинг иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам кўнгли тўлмайди, атрофидагиларга озор бераверади, кўнглини қолдираверади.

Шундай бир одамни биламан, анча ёшга борган, лекин ҳамон ёнида бирорта маслакдоши, сирдош-қадрдони йўқ. Ака-укалари ҳам ундан бешишган, чунки ҳеч қайсисининг иши, турмуши, қавму-қариндошлари билан борди-келдиси унинг кўнглига ўтиришмайди. Одамларнинг самимий кулгилари унга калакадай ёки камситишдай туюлаверади. Ҳамқишлоғи ёки тенгқури амалдор бўлиб қолса, иши юришса, тамом ўзини кўярга жой тополмайди, устидан турли жойларга шикоят қила бошлайди. Энг бўлмаганда кўпчилик олдида беобрў қилишга, адабини бериб қўйишга уринади. Унинг одати фарзандларига ўтди, улар ҳам элга қўшилмас, тўй-маъракалардан четда, отасининг чизигидан чиқмай вояга етдилар. Аслида ота-она фарзандини жамиятга қўйишга, тенгқур - ўртоқлари билан борди-келди қилишга, маҳалла-куй тадбирларидан бош тортмасликка ўргатиши керак эмасми? Одамларга яхшилик эмас ёмонлик тилаш, улардан ёмонлик кутиб яшаш қанчалик оғир.

Фарзандларимиз - ёнимиздаги одамлар. Ҳеч ким дунёда мангу қолмаганидек, улар ҳам доимо ёнимизда тура олмайди, қизлар чиқиб кетишади, ўғиллар уйланишади. Ота-она ҳам, бола-чақалар ҳам ўзининг кўнгилтортар маслакдошлари, маҳалладошлари, ҳамкасблари билан бўлишади, ҳаётнинг талаби шу. Ёнимизда шундай одамлар бор, улар иссиқ-совуқ кунларимизни биз билан баҳам кўради. Болаларга ёки оталарга айта олмайдиган муаммоларимизни улар билан ўртоқлашамиз, ғам-ташвишларимизни ҳамда қувончларимизни бўлишамиз.

Шоир дўст бўлсанг ёнимда тур, деган сатрларни битганда қанчалик ҳақ экан. Албатта, ҳақиқий дўстлар иссиқда ҳам, совуқда ҳам бир-бирларининг ёнларида туриб беришади. Лекин турмушда рисоладагидек дўст топиш қийин, қолаверса, ҳозир бу тушунча ҳам маълум даражада янгиланмоқда. Унга ҳам замонавий қарашлар, англашлар кириб келмоқда.

Ота-она фарзандни вояга етказгач, у жамият аъзоси сифатида кейинги тақдирини ўзи белгилайди. Устоз топади, ундан ўрганади, устоз бўлишга интилади. Табиат ва жамият тадрижи шуни тақозо қилади. Ота ҳовлисида яйраган фарзандлар вақти келиб бир маконга сиғмай қолишади. Энди уларни жамият аталмиш макон сиғдиради холос. Энди уларга етти маҳалла ота-она, иқтидорларини илғаган яхши устозлар дуогўй бўлади. Ота - тилакдош-

маслахатчи, ёнида туради, лекин фарзандига устоз бўла олмайди. Аждодларимиз болаларини устозга олиб борганларида эти сизники, суяги бизники, дейишган. Бу билан устознинг шогирд ҳаётидаги хизматини юксакка кўтаришган. Устоз шогирдни, одатда, касб-корга ўргатиш билан бирга, жамиятда яшашга, ёнидагилар манфаатини ҳам ўйлашга ва ўзини умумманфаатига сафарбар қилишга ҳам ўргатган.

Ёнидагиларни унутган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган одамдан фидойилик кутиш мушкул. Ўзининг омадсизлигидан нолийверадиган, жамиятдан норози бўлаверадиган одамлар аламзада одамлардир, улар атрофга ўзларидан доимо салбий биологик босим тарқатиб юрадилар. Омадли, эртанги кундан фақат яхшилик кутиб яшайдиган, ўзларидан олийжаноблик нурини таратиб турадиган одамлар уларнинг акси. Бу икки тоифа бир-бировига ёқмаслиги аниқ.

Одам ўз омади ёки омадсизлиги учун жамиятни, иши юришган одамларни эмас, балки ўзини қойиши керак. Жамият бирини нарироқ, бунисини бериоқ қилаётгани йўқ. Ҳаммада шарт-шароит тенг. Қонун ҳам, талаб ҳам ҳаммага бир. Шуларни тасарруф қилиш, имкониятлардан фойдаланишда фарқ бор холос. Омад одамларнинг яхши ниятига, уни амалга оширишга қаратилган салоҳиятига, интилишига ва ўз мақсади йўлида сарфлаётган меҳнатига боғлиқ.

Коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврларда мулкдорликдан нафратланиш ва давлатнинг берганига кўниб, камбағалликка сиғиниш идеаллаштирилар эди. Мустақиллик йилларида мулкчилик шакллари ўзгарди, энди фуқаролар бой-бадавлат бўлишдан ор қилмайдилар, қолаверса, ҳамма жамиятга муносиб тарзда мўл-кўлчиликда яшашни хоҳлайди. Давлатимиз бундай интилишларни рағбатлантирмоқда. Бу фуқароларга, халққа маъқул тушмоқда.

Бойиш ва бойликка интилиш - айб эмас. Балки бу одамларни ишлашга рағбатлантириш, сафарбар этиш воситасидир. Мулкдор бўлиш осон эмас. Тиниб-тинчимай меҳнат қилиш, югуриб-елиш лозим. Ишласа – ишламаса, белгиланган маошни оладиган ва келгуси маошгача қўл қовуштириб ўтирадиган одатлар қолиб кетди. Ҳозир яхши яшашни истаган киши меҳнат қилади, хорижга бориб келиб тижорат қилаётган ва давлатнинг кўмаги билан ўз ишини очаётганлар, мамлакат ва хориж бозорларига маҳсулот ва хизмат турларини сотаётганлар сафи кун сайин ортиб борапти. Уларга ҳасад эмас, ҳавас қилиш лозим. Улар жамият аъзоларини иш билан таъминлабгина қолмай, мулкдор бўлиш ва ўз мулкчини эъзозлаш психологиясини халқимиз онгида қарор топтиришда етакчи бўлмоқдалар. Бойиш йўлини билган меҳнатнинг кадр-қимматини ҳам билади. Ишбилармон одам кимдир хафа қилишдан, кўнглини оғритишдан, кимдандир ўз устунлигини исботлашдан, кибрланишдан узоқ. Унга тинчликдан ва харидорларнинг барқарорлигидан муҳимроқ нарса йўқ. Улар жамиятимиздаги янги одамлар, ёнимиздаги одамлар. Уларнинг сафлари тобора ортиб бормоқда.

Бахтиёр Қашқадарёнинг узоқ қишлоқларидан бирида яшарди. Касб-ҳунар коллежини битирдию, пойтахтда ўқийдиган ҳамқишлоғига йўлдош бўлиб

Тошкентга келди. Катта шаҳардан иш излашда ҳамқишлоғи унга кўмаклашди. Бозорда ойна савдоси билан шуғулланадиган оғайнисига юзлаштирди. Бахтиёрда танлаш имконияти йўқ эди. Ойна савдоси билан шуғуллана бошлади. Тиришқоклиги иш берди, савдоси юришиб кетди. Бир куни харидор ундан ойна кесадиған уста топса бўладими, деб сўраб қолди. Югуриб-елиб, ойна кескич устани топди, харидорга учраштирди ва яхшигина пул ишлаганини кўрди. Шу хунарни ҳам ўзлаштириб олишни дилига тугди. Устага шогирд тушиб, тез орада ойна кесиш ва ўрнатишни ўрганиб олди. Энди у ойнани сотиш билан бирга, кесиб дераза ромларига ва эшикларга ўрнатиб бериш хизматини ҳам кўрсата бошлади. Унга талабгорлар тинимсиз ошиб борди. Йигит шу 1,5-2 йил ичида ўз фаолиятини анча кенгайтирди. Ҳозир ойна бизнесининг моҳирларидан бири.

Анчагина шогирдлар ҳам тарбиялади ва ўз тижоратига жалб этди, иш билан таъминлади. Ўз ишидан, топиш-тутишидан хурсанд. Энди уйланмоқчи, уй сотиб олиш ниятида. У агар ота-онасини ўз қарорига ишонтирмаганида шундай натижага эришармиди? Йўқ, албатта. Мана, қўлида зарур хунари ва ўзига яраша тижорати бор йигитга айланди. Унинг бутун диққат-эътибори тижоратида, бошқа нарсага чалғитиб кўринг-чи! Энди у иш одами, ҳамкорлари қачон, қаердан ойна олиб келишини, қаерга тушишини, ўз улушини қаерларга жўнатишни ва ойна бозоридаги таклиф ҳамда талабни ўйлайди. Унинг иш куни шундай ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш билан бошланиб, улар асосида бирор қарор қабул қилиш, сарф-харажатни амалга ошириш билан тугайди. Тижорат ҳақидаги, Тошкентда ва минтақалардаги хонадонлар қандай ойнадан фойдаланишлари ҳақидаги суҳбатлар унинг жону дили. Ҳамқишлоғи унга тўғри йўл кўрсатди, захирадаги имкониятлари булоғини очиб юборди. Уни устоздан ўзган шогирд деса бўлади. Унинг амалга оширишни ният қилиб юрган яна бир нияти бор. Туғилиб ўсган юртига қайтиб бориб туман марказида устахона очиш, пойтахтда ўрганган хунари билан одамларни оғирини енгил қилиш ва шогирдлар етиштириш.

Устозлар, катта ёшдаги одамлар—ёнидагиларга, айниқса ёшларга одоб-ахлоқ ҳақида, инсонийлик фазилатлари ҳақида айтиб туришларида ҳикмат кўп. Ёшларда ўйламасдан гапириб юбориш одатлари бор. Буни аждодларимиз катта нуқсон, деб билишган. Ёнимизда катталар турганида сўзлаш навбати доимо ўшаларнинг ҳақи эканлигини миллий менталитетимиз тақозо этади. Болаликдан шу тушунча ҳар биримизнинг онгимизга сингдирилган. Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ — нодоннинг иши, дейди буюк бобомиз Алишер Навоий. Ёнимиздаги одам билан гаплаша олиш бахти фақат инсонга насиб этган экан, демак тилимиздан аввало яхши каломлар чиқиши лозим. Чунки тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз, деган халқ мақоли бор. Илкисдан тилимизга келган гапларни ҳам ёнимиздаги одамлар, ўсмир-ёшлар эшитиб, хулқ-атворимизни кузатиб турганлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Мустақиллик ҳаммага эркинлик берди. Ҳаёт тарзимизда қонун устувор. Мамлакатимиз жаҳондаги барча инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро конвенцияларга аъзо. Минг бора шукр. Баъзан ана шу эркинлигимизни эъзозлаб

саклаш ўрнига ундан керагидан ортиқча фойдаланиб, суиистеъмол қилмаяпмизмикин, деган ўй келади кўнгилга. Президент Ислон Каримов огоҳлантиргандек, бизнинг ҳаётимизга, фуқаролик жамиятимизга “оммавий маданият” билан бирга беҳаёлик, маънавий дидсизлик, санъатдаги сунъийлик ва саёзлик ҳам тўфондек кириб келмоқда. Бу таҳдидлар билан бирга, одамларнинг жиззакилиги, чидамсизлиги, арзимас эътирозни бирор шахснинг нуқсони деб эмас, жамиятнинг нуқсони, деб баҳолашга мойиллик иллатлари ҳам пайдо бўляпти. Асабийлик сабабини ўзидан, ёнида унга таъсир қилаётган аниқ кишидан эмас, жамиятдан излаб, ундан норози бўлувчилар бор. Бу шубҳасиз жуда кўпчиликни ташкил қиладиган соғлом фикрли кишиларни ташвишга солади. Таҳдидлар ёнимиздаги одамлар дунёқарабини маълум маънода пароканда қиладиган, кайфиятларини беқарорлаштиради.

Албатта, ёшлар илғор фикрли, бугунги кун камчиликлари ва нуқсонларига танқидий кўз билан қарайдиган кайфиятда бўлишади, агар шундай бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмасди. Шу билан бирга, осонликча қўлга киритилмаган мустақиллик неъматларига енгил-елпи муносабат уларнинг дунёқарабини эгаллаб олишига кузатувчи бўлиб тураверишимиз ҳам маъкул эмас-да.

Ахборотларнинг ниҳоятда кўплиги, уларнинг кишилар онига селдай бостириб қираётгани кишиларни тезкор, бир-бирига ўхшамайдиган қарорлар қабул қилишга мажбур этаётир. Ахборотлар тўғизлиги ўзаро муомалада маълум даражада тажанглик келтириб чиқаряпти. Одамларнинг ўта ахборотлашган муҳитда яшаши арзимас таъсирдан, гапдан ёки муносабатдан лов этиб ёниб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу кўпинча маиший негизда тез-тез кўзга ташланади. Буни социологлар ахборотлашган XXI асрга хос ҳолат билан ҳам, демографик ҳолат билан ҳам боғламоқдалар. Бизни эса келажак авлодни миллий менталитетимизга хос ва мос тарзда тарбиялаш муаммоси ташвишга солади.

Одамда салбий ионлар кўпайиб кетса, у ўзига кўмилиб, жамоадан узоқроқда бўлишни хоҳлаб, тоқатсизланиб, кайфияти беқарор бўлиб қолади. Беқарор кайфият ғазаб ва нафрат оралиғида бўлади. Бундай ҳислар билан яшаш азоб. Инсон муҳаббат ва завқ билан яшамаса, ўз-ўзидан ҳам беғиз қилиши сир эмас. Ёнимиздаги одамларга меҳр улашиб, улардан ҳам меҳр излаб яшаш қанчалар ёқимли. Донолар авлодларга берган ўғитларида: “Бир-бирингизга ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшанглар, ҳавас билан яшаш иймонли кишилар ишидир” дейишган.

Инсоннинг бошидан яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам ўтади. Шундай пайтларда ёнимизда суянадиган, сирлашадиган одамларнинг борлиги, камарбаста бўлиб туриши айни муддао. Халқимиз азалдан жамоавийликка интилиб, уни амалда қўллаб умргузаронлик қилиб келганлар. Президент Ислон Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида: “...жамоа бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган, бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас”,-деб ёзади. Шундай

экан, бизни ахборотлар асри бўлган ҳозирги асрда ҳам ана шу жамоавийлик, аждодларимиз анъаналарига садоқат қутқариб қолиши мумкин.

Бағри кенг, қалбимизга ҳам, юртимизга ҳам ўнлаб қон-қардошларимизни, қўни-қўшниларимизни сиғдириб келган ва бундан кейин ҳам сиғдирадиган халқмиз. Биз ёнимиздаги одамларни ҳам унутмайдиган, улар билан бир бурда нонимизни, юрак тафтимизни баҳам кўрган аждодларнинг авлодларимиз. Шундай экан, биз аждодларимизда мавжуд бўлган буюк мерос - ахлоқ-одобимизни дориломон кунлар келган мана шу кезларда яна бир бор баралла эслаб, аждодларга муносиб бўлиб яшашимиз керак. Бундай эзгу истакни рўёбга чиқариш эса сизга, менга ва ёнимиздаги одамларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлиги айтилиши ҳақиқат.

ОҚИБАТ

Қобилжон курсдошлари орасида анча тиришқоқ ва интилувчанлиги билан ажралиб турарди. Кўпчилик курсдошлари вилоят қишлоқларининг турли бурчакларига йўлланма олишди, иқтисодчи-мутахассислар ҳамма жойда керак. Унинг кадрдон оғайниси Зариф ҳам шулардан бири. У қишлоқда қолди. Отаси шуни хоҳлади. Ота иродаси эса вожиб. У кичик бизнес билан шуғуллана бошлади. Ишини кенгайтириб, ғишт пишириш цехи, ёғочни қайта ишлаш корхонаси ташкил қилди. Курсдошлари унга ва Қобилга ҳавас қилишарди. Бу ёшда ўз ишини йўлга қўйиб улгуриш осон эмас.

Улар дастлаб тез-тез учрашишган бўлса, кейин-кейин онда-сонда кўришадиган бўлишди. Ана-мана дегунча йиллар бир-бирини қувлаб ўтиб кетди. Йигитларнинг ёшлари ўттизни қоралади. Қобил оғайнилари билан учрашмаганига анча бўлганлигини тез-тез ўйлаб юрарди. Ишга шошилаётган шундай кунларнинг бирида телефони жиринглаб қолди. Курсдош дўстларидан бири эди. Қобил билдики, дўсти Зарифнинг отаси қазо қилибди, жанозаси тушга белгиланибди. У ҳозиргина кўнғироқ қилган оғайнисини, кадрдон дўсти Зарифни ўйлаб ишхонасига қандай етиб келганини билмай қолди.

Қобил Зарифларникига тез-тез бориб турарди, ўша пайтларда дўстининг отаси Россияга қатнар, савдо-сотиқни йўлга қўйиб олган таниқли ишбилармон эди. Унда оғайнисининг отасига, унинг бизнесига ўшанда ҳавас уйғонган. Шу ҳавас уни ҳам бизнесменликка чорлади. Мана, ҳозир ишлаб чиқариши бақувват фирмада менеджер. У имкониятини чамалар экан, оғайнисининг ғамига шерик бўлиб ёнида тура олмаслигини ҳис этди. Ичида афсусланди, оғайнилари билан тўпланишиб дийдор кўришишга яхши имконият туғилгандию, лекин...Ҳамкор фирмалардан бир нечтасининг раҳбарлари билан муҳим учрашув белгиланган. Фирма манфаатига қулай бўлган шартномалар тузиш имкони бор. Ундан воз кечиш фирманинг фаолиятига жиддий таъсир этиши, хомашёдан сиқиб қўйиши мумкин. Шуни ўйлаб виждони қийналди. Кўнглига эса ҳар доимгидек, уни юпатадиган одатий фикр келиб қолди, топқирлигидан хурсанд бўлди. Оғайни ўзимники, ўйлади у, ҳамкор фирмалар раҳбарлари эса иш одамлари, бегона. Улар шартнома тузишдан воз кечсалар, қанча зарар кўриш мумкин? Учрашувни ортга суриб бўлмайди, хулоса ясади Қобил.

Ушбу воқеадан сўнг орадан анча вақт ўтиб кетди. Кўнгил сўраш истаги ҳам унутилаёзди. Бунинг устига йўли ҳам қишлоққа тушавермади. Бир куни шундай вазият пайдо бўлди. Фирмага боғлиқ иш билан хизмат сафарига бориш лозим бўлиб қолди. Буни у оғайнисининг қишлоғи орқали белгилади.

Қобил ховлига кириб борганида дўсти Зарифнинг отаси ҳаётлигидагидек файзни сезмади, устига устак унинг чақирғига ҳеч ким жавоб бермади. Оғайнисини телефонда огоҳлантириб қўймаганидан афсусланди. Шу пайт ховлида бир қизалоқ пайдо бўлди ва бийрон бидирлаб дадасининг ишга кетганини тушунтирди. Қобил Зарифнинг ишхонасини топиб борди, дўстлар кучоқлашиб кўришдилар, сўрашдилар. Зарифнинг отаси қазо қилганига анча

бўлса-да, Қобил дўстидан кўнгил сўраган бўлди, нималардир деди, лекин уларнинг гаплари қовушмас, суҳбатни қандай давом эттиришни иккови ҳам билмасди. Уларни беғубор болаликдаги самимийлик тарк этганди гўё. Вазиятга ана шу нарса етишмас, икковининг ҳозирги шароитдаги манфаатлари аллақачон айро тушган, булар ҳақида энди улар ҳамфикр ҳамда ҳамкор бўлиб гаплашишдан узоқлашган анча йиллик танишлар эди. Қобил билан Зарифнинг шу вазиятини бири ишига, ҳамкорларига шошилаётган тадбиркор меҳмон ва бири оғайнисидан батамом кўнгли қолган, яхши-ёмон кунида ёнида тура олмайдиган одамни – танишини, ким билсин қанчага, кузатаётган мезбон эдилар холос.

Мана шу оддий, тез-тез учраб турадиган вазиятни кўз олдингизга келтиринг. Маълумки, тўй ва аза инсонга доимо ҳамроҳ, лекин ана шу азалий ва абадий бўлган издиҳомларда ёшларимиз ўзларини қандай тутишни билишадими? Анчадан бери ана шу савол устида ўйлайман. Баъзи ёшларимиз бундай тадбирларга унчалик ҳам эътибор бераверишмайди. Азага бориш катта ёшдагилар вазифаси дейишади. Ўзларини четга олишади. Зиммаларига ана шундай маросимларда қатнашиш масъулиятини олишдан қочишади. Азада ўзларини қандай тутишни ҳам билишмайди гўё бошларига бу ҳол тушмайдигандек. Юқорида ҳикоя қилинган вазиятни яна бир бор тасаввур қилинг. Бу ҳаётда, ҳар нарса бўлиши мумкин, қолаверса, узоқ жойдан етиб келишнинг ўзи бўлмайди. Мана, Қобил кечикиб келди, орадан ойлар ўтиб кетган. Шундай экан оғайнисининг хонадонига киришдан аввал кекса отахонлардан ёки маҳалла оқсоқолларидан бирортасини ёнига олиб, хонадонга боргач, уйнинг катталаридан бирининг онасиними, келинними, ҳарқалай бирортасини чақириб, улардан кўнгил сўраса бўларди-ку .

2008 йили пойтахтимиз Тошкент ислом маданиятининг пойтахтларидан бири, деб тан олинди. Юртимиздан чиққан валийларимиз, улуғ алломаларимиз ҳамда азиз қадамжоларимиз эъзозланаётгани, жаҳон сайёҳлари уларни зиёрат қилгани оқиб келаётгани нимани билдиради? Албатта, юртимиз жаҳон миқёсида қадриятларни қадрловчи юрт сифатида тан олинганини. Ёшлар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқаришлари лозим. Негаки, орамизда ана шундай маънавий қадриятимизни тан олишни истамаётган, хориждаги баъзи мухолифларимиз мусиқасига жўр бўлаётган, ҳатто таъзия, аза каби одатларимиздан бутунлай воз кечишни талаб қилаётган сохта диндошларимиз ҳам бор. Буни унутмайлик. Агар ана шундай миллий анъаналаримизни унутсак, унинг ўрнини ёт бир ғоя эгаллаб олмаслигига ким қафолат бера олади?!

Президент Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш зарур”¹- деб ёзади. Шундай экан биз айникса ёшларнинг жамоат жойларида, тўй ва азаларда ўзларини қандай тутишларини уларга такрорлаб

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият” Т.: 2008. 6.156

туришимиз ва уни ўзлаштириб олишларига эришимиз лозим. Бу ҳам маънавий тарбиянинг муҳим шартларидандир.

Ўттизни қоралаб ҳам миллий кадриятларимиз билан боғлиқ оддий ва жўнгина амалларга риоя қилишни билмаслик эътиборсизлик эмасми? Ўқийман, ўрганаман деган одамга бу борада адабиётлар етарли. Улуғ аждодларимиз, авлиё ва алломаларимизнинг фарзандга қилган панду насиҳатлари китоб холида оммавий нусхада чоп этилмоқда. Олим ва уламоларимиз томонидан мустақиллик йилларида одоб-ахлоққа, анъана ва урф-одатларимизга оид нашр қилинаётган китоблар ҳам оз эмас. Ўқишга, ўрганишга истак бўлса бўлгани. Телевидение орқали ҳар ҳафтада бериб борилаётган “Хидоят сари” кўрсатувини кузатиб боришнинг ўзи ҳам қанча диний-маърифий билим беради. Мамлакатимизда ўттиз ёшгача бўлган фуқаролар жами аҳолининг олтмиш фойизидан ортиғини ташкил этиб турган бугунги кунда уларнинг руҳан ва маънан бой, аждодларимиз мерос қолдирган умуминсоний кадриятларга муносиб бўлишлари жуда муҳимдир.

ЛОҚАЙДЛИК ҲАМ ТАҲДИД

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг оғир ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.
Ислом Каримов.

Ҳақиқатдан ҳам ХХІ аср мўъжизавий тараққиёт асри, техника ва технологиялар соҳасида инқилобий ўзгаришлар ясаган юз йиллик бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Айни пайтда инсоннинг ўзлигидан, бир-биридан, бир-бирининг ташвишидан мисли кўрилмаган даражада йироқлашиш асри бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Атрофимизда ҳар куни юз бераётган кўплаб катта-кичик воқеа-ходисалар, бепарволик ва лоқайдликлар шундан далолат бериб турибди. Ҳаммамиз автобусда, троллейбусда, метрода ёки бошқа транспорт воситаларида эҳтиёжларимиз туфайли ишхонага ёки бирор манзилга етиб олиш мақсадида шошиб-пишиб юрамиз. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган доноларимиз. Шу орада замонга ҳам разм соламиз. Кейинга пайтда кўпчиликнинг, айниқса ёшларнинг қулоқларига митти микрофонча ўрнатиб, мусиқа эшитиб, уяли телефонда ўйин ўйнаб кетаётганини кўрамиз. Биров билан бировнинг иши йўқ, ҳамма ўз-ўзи, ўз ўйлари билан банд. Бу ҳам асримиз белгиси.

Асримиз кишилари, ёшлари шу даражадаги тараққиёт босқичида яшашга муяссар бўлибдими, қандини урсин, демак улар шунга муносиб. Қанча аждодларимиз шундай замонга етишмоқ учун ўзларини фидо қилишди. Пўрим кийинган мана шу ўсмирлар, талаба ёшлар шу кунларга етишиш йўлларида берилган минг-минглаб қурбонларни, машаққатларни билармикан, мустақилликнинг қадрига етармикан, деб ўйлаб қоламиз. Уларни атрофидаги воқеалар қизиқтирадими ёки уларга бепарво ва лоқайдми? Ўриндикқа ястаниб ўтириб олган йигитчалар ва қизларнинг бутун вужудлари қулоқларига сирға қилиб олган микрофондан таралаётган мусиқага қаратилган. Улар ярим мизғиган ҳолда қандайдир нотаниш навони эшитаяптилар. Бошқа бир гуруҳ ёшлар уяли телефон экранидаги ўйинга берилишган. Ҳа, замона шуларники. Асримиз неъматларидан улар тўлиқ баҳраманд бўлмоқдалар. Ота-боболаримизнинг ҳам орзулари аслида шу эди: болаларимиз биздан кўра тўқ ва фаровон яшаши керак.

Уларнинг вужудлари ҳозир мизғиган, мусикадан ором оляпти, лекин виждонлари уйғоқмикин?! Ана, кексайган отахон автобусга қийналиб чиқди-ю, ўриндиклар тирбандлигини кўриб туриб қолди, яна бир ногирон киши тикка турганларга ҳалақит бераётганидан хижолат бўлиб ўзини четга олишга уринмоқда, оналик бахти насиб этиши кўриниб турган аёлнинг оёқлари толди шекилли, юзидан дув-дув тер оқа бошлади... Мусикадан ором олаётган, уяли

телефонда ўйин ўйнаётган ёш-яланглар бу ҳолатларни кўрсалар-да, кўрмасликка олишди. Бу турмуш чоррахасидаги бир кичик кузатиш холос. Буни биз умумлаштирмоқчи эмасмиз, асло, лекин ана шу ҳолатнинг биттаси - кўзимизга ташланган шу маиший ҳолат ҳам биз учун кўп, деб ҳисобланиши керак. Биз бундай ҳолатларга чидаб бепарво ўтиб кетаверсак, юртдошларимизни, ёшларни тартибга чақирмасак, унинг миқёси янада кенгайиб кетмайди, деб ким кафолат беради?

Файласуфлар ривожланиш, тараққиёт иқтисодий тўқинлик билан бирга рационал яшаш тарзини бошлаб келишини, бу эса маънавиятни муайян даражада қашшоқлаштириб қўйишини башорат қилганлар. Ана шу илмий башорат ҳақиқатга яқин эканда, деб ўйлаб қоласиз.

Замон шитоби, ахборот учқурлиги, тошқинлиги кишиларнинг индивидуаллашувини кескин жадаллаштирмоқда. Ҳар бир киши ўз муаммоси гирдобидида сузади, ўзича ундан муҳим нарсани йўқ деб ўйлайди. Ўриндикда ястаниб ўтириб олган, отаси сотиб олиб берган қимматбаҳо уяли телефонда ўйин ўйнаётган мана шу ёшларнинг ҳам муаммолари бор. Ҳозир улардан бирортасини безовта қилиб кўрингчи, сизга инсон ҳуқуқларининг бузилганлиги ҳақида қатор моддалар келтириб шошириб ташлайди. Бу ҳол кишиларнинг, шахснинг ўз қадрини англаш даражасига етганини билдиришдек ижобий ҳолат мавжудлиги билан бирга, миллий фазилатимиз ҳисобланган ўзаро ҳурмат-иззат сусайганидан ҳам даракдир. Биз биламизки, кўҳна шарқ анъана ва урф-одатлари асосан ана шу ўзаро ҳурмат-иззат, айниқса кекса авлодга эътибор ва тавозе асосига қурилган, жамиятда жамоавийлик асослари, анъаналари кучли бўлган. “Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда , шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибтидо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз”,²-деб ёзади Президент Ислам Каримов. Коммунистик мафкура ақидапарастларининг узлуксиз ҳужумлари ва тазийқларига қарамай кўҳна анъана ҳамда қадриятларимиз бутунлай йўқолиб кетмади, халқнинг дилида, турмуш тарзида мустақилликкача етиб келди. Аждодларимиздан мерос қолган ана шундай қадриятларни эъзозлаш, такомиллаштириш, халқимизга айниқса ёш авлод онгига сингдириш мустақиллик йилларида жадаллашди. Мустақиллигимиз эса жаҳондаги буюк эврилишлар даврига, қадриятлар қайта синовдан ўтиш жараёнига бақамти келди. Бу эса глобаллашув авж олган ҳозирги давр билан миллий қадриятларимиз, аждодларимиздан бизга мерос қолган анъаналаримизнинг катта синовдан ўтиб товланишига сабаб бўлмоқда.

Президент Ислам Каримов ўз асарларида, нутқларида миллий қадриятларимизни асраш, авайлаш ва уни ёш авлод онгига сингдиришни муҳим

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”. Т.: 2008. Б.118

вазифа эканлигини қатъий таъкидлаб келаётир. Қадриятларимизни турли тажовузлардан асраш, унинг юксак инсонийлик сифатларини такомиллаштириш борасида юртбошимиз амалга ошираётган ғамхўрлик кўлами ҳам бекиёс. “...ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай “маданият” намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни таъқиқлаш билан бирон натижага эришиб бўлмайди,-деб ёзади Юртбошимиз. - Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт”³. Ушбу огоҳлантириш бежиз эмас. Юқорида тилга олган мусиқасевар юртдошларимиз ўз ёнларида кетаётган кишиларга тавозе кўрсатиши, ҳеч бўлмаганда, табассум қилиб қўйиш билан юртдошлик бурчига садоқатини намойиш этиб қўйиш шунчалик қийинми? Эшитаётган мусиқаси, уяли телефонда ўйнаётган ўйини унга ҳам, атрофидагиларга ҳам бирор наф етказмайди-ку. Наҳотки, одамларнинг кўнгли шу арзимас нарсалардан арзон бўлса?! Юртимизга фарзанд туғиб беришдек муқаддас бурчни зиммасига олган иккиқат аёлнинг жовдираб, одамлардан эътибор истаб туришини кўриб жой беришга ошиқмаган, кўзини чирт юмиб, қанақадир мусиқани эшитишда давом этган ёш юртдошларимизга нима деймиз? Бунимиз кимдир бепарволик деса, кимдир эътиборсизлик, бошқаси маданиятсизлик дейди. Буларнинг барчаси ҳам балки тўғридир. Аслида бунинг номи лоқайдлик. Юқорида санаб ўтганларимиз сабаб, лоқайдлик эса оқибатдир. Шу маънода одоб нормаларини такрорлаб туриш ҳеч маҳал фойдадан холи бўлмаган. Одобсизликни, ахлоқсизликни ва лоқайдликни кўриб бепарво ўтиб кетавериш фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган бизнинг жамиятимизга тўғри келмайди.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган кўҳна мақолимиз бор. Демак ҳар биримиз шу Ватан, шу юрт учун, унинг мусаффо эртаси учун масъулмиз. Донолардан бири “бепарволик туфайли дунёда хиёнат ва қотилликлар мавжуд” деган эди. Юртбошимиз ҳам “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир”. Ёнидаги беморга эътиборли бўлиш, хайр-саховатни унутмаган, ота-онаси, аждодлари қабрини зиёрат қиладиган одам эзгуликни касб қилган одамдир. Фарзандларимизга эзгулик сифатларини юқтирмасак, аждодларимизнинг бу борадаги олийжаноблигини айтиб турмасак, улар лоқайд ва бепарво бўлиб кетавериши мумкин.

³ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”. Т.: 2008. Б.133-134.

Мамлакатимизда мустаққилик йилларида канча буюк, улуғвор ишлар амалга оширилди. Аждодларимиз хотирасини абдийлаштиришда қилинган ишларнинг ўзи бир тарих. Ана шу тарихнинг ўзини ёшлар онгига сингдиросак, бу ишда фаоллик кўрсатсак, уларнинг дунёкараши маънавий қадриятларимизга ҳурмат ҳамда ватанга садоқат руҳида шаклланиши шубҳасиз.

Ҳозирги пайтда 30 ёшгача бўлганларни ёшлар деб аташ таомилга кирди. Бу ёшдаги йигит-қизларнинг бир-икки нафардан, баъзиларида уч нафардан фарзандлари бор. Улар ота ёки она сифатида фарзандларини тарбиялашдек масъулиятли, олийжаноб вазифани зиммаларига олганлар. Хўш, ота-оналар бунга тайёрами-йўқми? Тарбияни муайян муддатда бошланадиган ва маълум вақтда тугатиладиган режали иш деб бўлмайди. Фарзанд дунёга келдими, у тарбиялана бошлайди. Бунини ёш ота-она ҳис этишлари лозим. Афсуски, уларнинг кўпчилиги оталик, оналикни анча кеч, вақт ўтиб кетгач, болалари ўсмир ёшига етиб қолганда англай бошлайдилар. Ўттизга кириб ҳам жанозада, тўйда ўзларини қандай тутишни, таъзия билдиришни эплай олмаётганлар ҳам оз эмас. Кексалар, мўйсафид отахонлар, маҳалла оқсоқоллари ана шундай ёшларга насиҳат қилган вақтларида улар вақт зиклиги ёки ишларининг муҳимлигини рўқач қиладилар, ўзларини жамиятнинг муҳим топшириғидан – бола тарбиясидан баъзан четга олиш холлари кўзга ташланади. “Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда”⁴.

Президент Ислом Каримов ёш авлоднинг ҳаёти мазмунли ва мароқли бўлиши учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ уларга оталарча ғамхўрлик қилиб келади. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, баркамол ва албатта, бахтли бўлишлари керак, деган қанотли шиор бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир фуқароси юрагидан чуқур жой олган. Узлуксиз таълим жорий қилинди, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. Жисмоний тарбия ва спортнинг ёшларни соғломлаштиришга қаратилган уч босқичли тизими ҳам ҳаётимиздан муносиб ўрин олди. Булар “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод ўйинлари” ва “Универсиада”. Минг-минглаб ёшлар учун ушбу ўйинлар чиниқиш ва тобланиш мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Булар ёш авлодни турли ёт ғоялардан, “Оммавий маданият” таъсиридан сақлаш ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш мақсадида амалга оширилмоқда. 2008 “Ёшлар йили”да Нукус шаҳрида навбатдаги “Баркамол авлод ўйинлари” спорт мусобақаларида қатнашган 109 нафар спортчи-талабалардан ушбу ўйинларнинг ёшлар ўртасида тутган ўрнини аниқлашга қаратилган долзарб сўровнома натижаси анча қизиқарли. Ундан ёшларнинг фаоллигини ва эртанги кунга бўлган ишончини аниқлаш бўйича

⁴ Ўша китоб. Б.81.

муайян хулосалар чиқариш мумкин. Масалан, “Сиз ўйинлардан ўзингиз кутган натижага эришдингизми?” деб берилган саволга 92 фойиз спортчи-ёшлар кутилганидан-да зиёда натижаларга эришганларини билдиришди. Бу учрашувлар ҳеч вақт ёдимиздан чиқмайди, деб таъкидлашган улар.

Ўйинларнинг энг унутилмас воқеаси сизнингча қачон бўлди, деган саволга барча талабалар ўйинлар очилишига бағишланган кунни кўрсатганлар. Унда Президент Ислон Каримовнинг қатнашчиларга йўллаган мактуби ва Нукус шаҳрида ўйинлар очилишига кўрган тайёргарлик ва марказий ўйингоҳдаги юксак кўтаринкилик алоҳида қайд этилган. Мусобақага келган ёшлар ўйинлар бошланмасданок бир-бирлари билан кадрдонлашиб, дўстлашиб кетганлар. Бўш вақтлардаги маданий-маърифий тадбирлар ҳам уларнинг тахсинига сазовор бўлган. Сўровга жавобларида ёш спортчилар ушбу ўйинлардан бошқа вақтларда ҳам уларнинг ўзаро мулоқоти давом этишини ишташган. Спортчи ёшларга берилган охириги саволлардан бири дўстларингиз билан боғланган алоқани давом эттирасизми ва қандай қилиб, деган савол эди. Унга 74 фойиз спортчи йигит-қизлар хат ёзишиб, телефонда гаплашиб туриш билан алоқани давом эттиришини, баъзилари олий ўқув юртларига биргаликда кириш билан, деб ҳам жавоб беришган.

Сўровномага жавобларни таҳлил қила туриб, уч босқичли спорт мусобақаларининг мунтазам, муайян вақтда ўзтказишнинг йўлга қўйилганлиги, ёшларимизнинг соғлом, кучли ва бахтли бўлишлари учун имкониятдан ташқари, мустақиллик йилларида янги бир қадриятнинг дунёга келишига сабаб бўлганлигини кўрдик. Бу улардаги фаоллик ва ватанпарварликнинг ўсгани. Демак ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди ҳам. Президент Ислон Каримов томонидан ушбу уч босқичли ўйинларни ташкил этиш фикри олға сурилганда, уларнинг ана шу сиёсий томони ҳам ҳисобга олингани шубҳасиз. Мана, бугун уч босқичли ўйинлар ҳаётимиздан мустақкам ўрин олди ва халқимизнинг мустақиллик йилларида туғилган анъанасига айланди. Ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамолликка эришиши албатта, уларнинг ўзларига талабчанлигини оширишга, лоқайдликка чек қўйиб, ҳаётда фаол позицияларда туришга имкон яратади. Лоқайдлик - иллат ва у билан ёшликданок аёвсиз кураш олиб борилмаса, уларнинг онгу шуурини эгаллаб юз бераётган воқеа-ҳодисаларга тийрак назар билан қараш хусусиятларини ўтмаслаштириб бораверади.

Таҳдиднинг мушт кўрсатиб ўдағайлаш, қурол кўтариб пистирмада туриш ёки жуғрофий ҳудудларга бостириб киришдек шакллари ўтмишда қолиб кетди. Таҳдид кишиларни ўз манфаатига, иродасига оғдириб олиш, қулоққа қистирилган митти микрофондан таралаётган мусиқа, уяли телефон экранида сакраб ўйин кўрсатаётган турли белгилар, ёшлар эгнига илиб олган турли-туман кийим-кечак, таналарига ёпиштириб олган атрибутлар орқали унсиз бир тарзда кириб келаётир. Бугун айрим ёшларимизда катталарга ҳурматсизлик, қадриятларимизга беписандлик шаклланганлигининг моҳияти ҳам аслида ана шундай сершовкин мусиқа, олди-қочди сафсата, турли тўлқинларда чарх урган ахборотлар ва кераксиз ташвишлар эмасми? Ўйлаб кўринг, ҳар куни сиз билан

бизнинг диққатимизни бўлиш учун қанча воситалар бизга ҳужум қилади. Ҳаммаси муҳим ва асосий масалани – инсонийликни, одамийликни, қадриятларни унутишимизга, катта-кичик ташвишларга кўмилиб кетишимизга йўналтирилган. Биз ана шу хавфни англашимиз ва аجدодларимизга муносиб бўлишимиз лозим. “Чунки, ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз – бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз. Қадимий тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аجدодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган беқиёс куч ҳам айнан маънавий жасорат туйғусидир”⁵.

Биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танладикми, шу йўлдан адашмай, чалғимай, турли мусиқаларга муқом қилмай олға бораверишимиз, ўзимизни янада буюк ишларга сафарбар қилаверишимиз керак. Ана шунда лоқайдлик чекиниб ҳақиқий миллий қадриятларимиз қирралари жилвалана бошлайди, миллатимиздан, динимиздан ва мулкимиздан қатъий назар, ўзбекистонлик ҳар бир киши - эркакми, аёлми у ватандош сифатида бизга қадрли ва эъзозли бўлиб браверади. Фуқароси бир-бирини эъзозлаган элга эса ёв йўлай олмайди.

⁵ Ўша китоб. Б. 163.

ОИЛАДА КИМ ЕТАКЧИ?

Жаҳон тамаддунининг ривожланиши, мулкчилик шаклининг турфаланиши ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётнинг моддий ва маънавий жабҳаларига дадил кириб келаётгани оила институтига ва ундаги етакчиликка янгича кўз билан қарашни тақозо этмоқда. Файласуфлар, психологлар, педагоглар, социологлар ва биз қураётган фуқаролик жамиятининг турли табақаларига мансуб кишилар оила ҳақида, унинг бугуни ва истиқболи ҳақида бош қотирмоқдалар. Оиланинг тинч-тотувлиги ва икки жинс вакилининг бир том остидаги муносабатларининг барқарорлиги бугун ҳар ҳолда ана шу ким етакчи, деган масалага ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда...

Халқимизда тенг-тенги билан, деган қадимги нақл бор. Оила қуришда аждодларимиз ана шу тамойилга амал қилишган, боболаримиз, момоларимиз ёшликларида қандай қилиб оила қурганлари ҳақида ҳикоя қилиб берганларида бу масалага алоҳида урғу бериб гапиришар эдилар. Энди билсак, қизини ҳам, ўғлини ҳам, ёшлигиданок аждодлар анъанасига кўниктириб боришни назарда тутар эканлар. Мана, ота-она бўлиб, ўғил уйлантириб, қиз чиқариб уларнинг ҳар бир ҳаракатларида қанчалик катта педагогик, борингки, психологик мақсадлар ётганини кўриб қойил қоламиз. Демак оилани мустаҳкам асосга қуриш истаги бизда аждодларимизнинг азалий миллий қадрияти ва долзарб ҳаётий муаммоси бўлиб келган. Қиз туғилса, уни кимларга, қандай кишиларга, жумладан, қайси уруғ-аймоққа узатиш ёки ўғил туғилса, уни кимларнинг қизига уйлантириш мумкинлигини ота-оналар уларнинг болалик чоғиданок ўйлашган. Ўғил кўрган оила яхши ният билан дарахт эксин, қиз кўрган эса сандиғига сеп йиғсин, деган гаплар ҳам шундан қолган экан-да. Бизнинг миллий менталитетимизга хос ва мос бундай анъаналарга минг йиллардан бери риоя қилиб келинади. Фақат ҳозирги замонда унинг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти бўйига ҳам, энига ҳам анча ўзгариб кетди. Чунки мулкчилик шаклидаги ўзгариш жамият ривожига барибир таъсир қилмай қолмади.

Оила қуриш ва унинг тотувлигини таъминлашда мулкчилик, томонларнинг бу борадаги ижтимоий тенгсизлиги муаммолари бор эди ва бундан кейин ҳам оила тақдирига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиб туриши турган гап. Худди шундай, оилада эркакнинг етакчилиги ҳам биз учун менталитетимиз тақозо этган даражада табиий, лекин кейинги йилларда бундан гумонсирайдиган фикрлар, мулоҳазалар, илмий башоратлар, ишланмалар матбуотда, баъзан муқовалари қалин китобларда ва ғарбнинг баъзи ижтимоий фанлар олимлари маърузаларида пайдо бўлмоқда.

Ҳа, эркаклар билан аёлларнинг жамиятда тенглигини биз асосий қонунимизда ҳам, бошқа муҳим ҳужжатларда ҳам тан олганмиз ва улар амалиётда ижро этиб келинмоқда. Хотин-қизлар фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида унинг неъматларидан эркаклар билан бирдек баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг ўз орзу-ниятларини қай тарзда амалга

оширишларига тўсиқ ёки фаолиятларига тазийқ ўтказиш ҳоллари йўқ. Аксинча сайлов кампаниялари даврида уларга муайян имтиёзлар бериш кераклиги ҳақида партиялар қарорлар қабул қилгани ва у амалда бажарилгани ҳам бор гап. Ҳозир Олий Мажлиснинг юқори палатаси сенаторлари сафида хотин-қизлар 18 ғойиздан ортиқни ташкил қилади. Бундай мисолларни республикаимиз миқёсида жуда кўплаб келтириш мумкин. Шундай бир пайтда ғарб матбуотида баъзан Ўзбекистондаги аёлларнинг аҳволидан “қайғурган” мақолалар, таҳлиллар пайдо бўлмоқда. Жумладан, республикаимизда аёлларнинг оиладаги роли, уларнинг назарида, тобора пасайиб кетаётганмиш, улар меҳнат қилса ҳам ўзларининг иш ҳақларига эгалик қилмасмиш, янги тушган келинларга қайноналарнинг зулми хаддан зиёдмиш ва ҳоказо. Шулар ҳақида жар солаётган муҳолифларимиз айни пайтдаги эътирофлари билан ўзларини инкор қилишаётганини, яъни қайноналарнинг, оналаримизнинг оиладаги ролини тан олаётганини наҳотки тушунмаяптилар? Қолаверса, ҳозирги пайтда жамиятимизнинг фаол аъзолари бўлган хотин-қизлар ўзларининг ҳуқуқлари чекланганлиги ҳақида масала қўяётганлари йўқ ва бундай масала қўйилмаслиги аниқ.

Юртбошимиз Ислом Каримов бизни “оммавий маданият” бостириб келаётганидан огоҳлантирганидек, жамиятимизнинг асосини ташкил этган оила институти пойдеворига путур етказиш учун бизга ўзларининг сийқаси чиққан беҳаё оилавий менталитетини юқтирмоқчи, енгил-елпи яшашни биз учун ҳам одатга айлантирмоқчи бўлган “ғамхўрлар” кўпайиб боряпти. Бизнинг оилаларимиздаги туғилиш суръатининг табиий ўсишидан улар ташвишга тушяптилар. Ғарб турмушида фарзанд кўриш у ёқда турсин, ҳатто бизнинг ахлоқий нормаларимизга мутлақо ёт бўлган бир жинслилар никоҳлари таомилга кирмоқда, буни улар қонунийлаштириш таклифлари билан ҳам чиқмоқдалар, ҳатто бу борада “намуна” ҳам кўрсатмоқдалар.

Маълумки, шарқ аёллари ҳеч маҳал оилада етакчиликка даъвогар бўлмаганлар. Бу улар оилада ҳеч қандай қадрга эга эмас эди, дегани эмас, аксинча оиланинг бирор кори оналарсиз, оиланинг иккинчи ярмини ташкил қилган аёлсиз ечилмаган ва амалга ошмаган. Амир Темур бобомиз ҳам нафақат оилавий ишларда, ҳатто давлат ишларида ҳам Бибихонимни ўзига яқин маслаҳатчи ва маслакдош деб билган. Бундай мисоллар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кам эмас. Шу маънода бизда аёлларимиз ўзларини жамиятда, оилада сиқилган, ҳуқуқлари чекланган тарзда ҳис қилмаганлар, чунки ишлаб топилган неъматлар эру хотиннинг қарори билан сарф-харажат қилинган ва ҳозир ҳам ана шу анъана давом этмоқда. Эркакнинг оила боқувчиси эканлиги хотиннинг шахсини камситиш ҳуқуқини бермаган, аксинча эркакнинг ўз мақоми ҳақида гапириши унинг ночор-нотавонлиги сифатида баҳоланган. Шунинг учун ҳам баъзан чапани эркаклар нотавонларга қарата “эпласанг оила қил-да”, дея эътироз билдиришган, чунки оила қилиш ва уни моддий таъминлаш эркакликнинг, оиладаги етакчиликнинг белгиси ҳисобланган.

Шўро даври мафкураси кўҳна шарқ оила институти, унинг анъаналари учун аянчли кечди. Миллатларнинг динини, она тилини унуттиришга

каратилган сиёсат, айни чоғда оилавий асосларни ҳам тубдан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган эди. Албатта, буни рўёбга чиқариш улар учун осон кечмади. Минг йиллар мобайнида ўзини ичкарининг бекаси, неъмат топиб келувчи эркакнинг севимли ёри деб билган, буни аёллар зотига нисбатан авайлаш ҳамда эъзозлашнинг бир кўриниши сифатида қабул қилган, бундан ўзини бахтли санаган шарқ хотин-қизларини ўз анъана ва менталитетидан воз кечиб, завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларнинг чексиз-чегарасиз далаларидаги оғир меҳнатга сафарбар этиш қийинчилик ва қурбонлар билан амалга ошди. Эркаклар билан хотин-қизларнинг тенглиги кейингиларни мислсиз меҳнатга сафарбар қилиш билан қўшиб олиб борилди. Фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш, далада ишлаш ва оилани боқишга қарашиш шарқ аёлларининг қисматига айланди.

Чунки бу мафкура жамиятдаги табақалар ва синфларнинг бир-бири билан доимо рақобатда ва курашда бўлишини хоҳларди, хотин-қизларнинг ижтимоий табақа сифатида эркаклар билан тенглик талаб қилиши, жамиятни янги-янги, сунъий, ўйлаб чиқарилган муаммолар билан андармон бўлиб туриши улар учун сув ва ҳаводай зарур эди. Негаки, коммунизм назариётчиларининг фикрича, социализм ривожланиб борган сайин синфий кураш ҳам авж олиб бораверади, деган “илмий” қараш уларнинг бутун фикри-зикрини эгаллаб олган ва тизимнинг барча доҳийлари, олимлари ана шуни амалда исботлашга интиларди. Хотин-қизлар эса шу маънода ўзларининг тенгсизлигидан доимо норози бўлган табақа эди ва буни коммунизм доҳийлари ҳар сафар юксак минбарларда такрорлайверишар, уларга яхши ҳаёт ваъда қилишар, уни сафсатага айлантириб юборишганди.

Бугунги кунда анъанавий оила институти пойдеворининг қай бир даражада дарз кетаётганига аслида шўро даврида таомилга кирган қарашлар сабаб бўлмоқда. Беҳаёлик, танасини бозорга солиш ва кийиниш одобининг ҳаддан ортиқ жўнлашиб, сийқалашиб кетганлиги бизнинг менталитетимизда қачон бўлган? Аёлларимизнинг ана шу кийиниш, юриш-туриш жабҳаларини эгаллаб олган ғарб маданияти энди уларнинг оиладаги мақомини ҳам ўз таъсирларига олишга интилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Оила куриш керакми-йўқми, умуман фарзанд кўриш керакми ёки йўқми каби масалалар ҳозир ғарб учун муаммо бўлиб турган бир пайтда бизда оила асосларини мустаҳкамлаш, уни жамиятнинг пойдевори, деб қараш - мафкурамизнинг марказида турибди. “Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу-орзу ва интилишлар билан яшайди”⁶.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” марказининг республикада ўтказган тадқиқотларидан бирида сўровномага шундай савол киритилган эди: “Сизнинг фикрингизча, оила жамиятда қандай вазифани бажаради?” Сўровда қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 70,6 фоизи ижтимоий тарбия ва маънавият соҳасида оиланинг устунлик ролини қайд

⁶ Ўша асар. Б.56.

этишди, 30,4 фоизи эса оилани жамиятнинг маънавий асоси, деб ҳисоблаши маълум бўлди. Мана шундай асосга эга бўлган бизнинг оиламизга, ахлоқ–одобимизга ғарб кўзи билан қарашни истаётганлар ҳам, албатта борлигини инкор этолмаймиз. Рост шундай муаммо пайдо бўлибдими, демак унга муносиб жавоб излашимиз, масала ечими устида мулоҳаза юритишимиз керак. Оила аввало никоҳ билан мустаҳкам ва пок бўлади. Ҳадислардан бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. шундай марҳамат қиладилар: “Никоҳ менинг анъанамдир, бу анъанадан юз ўттиз кишилар мен билан эмасдир”. Никоҳнинг ўзи эркак ва аёлга аниқ вазифалар юклайди.

Мулоҳазаларимизнинг бошида тенг-тенги билан, деган мақолни келтирган эдик. Агар ушбу фикрни ҳозирги талаб ва таомил асосида кўриб чиқсак, ёшлар оила қуришга аввало мақсадлар муштараклиги, дунёқарашлар мувофиқлиги асосида ёндошишлари маъқул, деган хулосага келамиз. Оила қуришдан мақсад жамиятга муносиб фарзандлар тарбиялаб беришдан иборат экан, шу йўлдаги икки кишининг бирикуви мақсадлар яқдиллигини тақозо этади. Мулк, егулик, ноз-неъмат топишдаги фарқни оиланинг етакчи омили қилиб олиш ғарбга хос қарашдир. Матриархат даврида ҳам, яъни аёллар ноз-неъмат топиб келган даврларда ҳам оиладаги етакчилик эркаклар зиммасида бўлган. Унинг ролига ҳеч маҳал ишончсизлик билан қаралмаган ва бу муҳокама қилинмаган.

Фаросатли аёллар ҳеч вақт оилада мен етакчиман, деган мақомга даъво қилмайдилар. Турмушимизда эрлари оддий ҳайдовчи, ишчи бўлган кўплаб олима ва арбоб аёлларимизни биламиз, улар ҳам оилаларида эрларини етакчи, деб тан олганлар ва бу оилалар жамиятимизга намуна бўлиб келмоқда.

Хўш, оилада ким етакчи, деган саволга қандай жавоб бериш мумкин? Биз бу муаммонинг баъзи қирраларига қисқача тўхталдик ва оила институтига, унинг баъзи бир хусусияларига ўзимизнинг ҳамда муҳолифларимизнинг қарашларини қиёслашга уриндик. Оиладаги етакчилик масаласи бугун ҳам илмий, ҳам амалий, қолаверса, умумбашарий аҳамият касб этаётгани сир эмас. Кўриниб турибдики, оила ва уни мустаҳкамлаш, унда кимнинг етакчилик қилиши каби масалалар фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётган бизнинг мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Оила ҳам кичкина мамлакатдир ва унинг тинч-тотувлиги охир-оқибат юртнинг тинчлигига асос бўлади. Шундай экан оилада эркакнинг ролини камситмаган ҳолда, унда аввало меҳр-мурувват, мақсадлар ва дунёқарашлар муштараклиги, мурсаю-мадора етакчи бўлиши керак, дегимиз келади.

КАТТАЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз фуқароларининг маънавий дунёқараши жадал шакллана бошлади. Бунга Президент Ислам Каримовнинг аجدодларимизнинг миллий меросини халқимизга қайтариш, уларни умумхалқ мулкига, зиёратгоҳига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари сабаб бўлди. Маълумки, инсон шахси озод бўлса, эртанги кунидан, яшашидан ёки иш топишидан кўнгли тўқ бўлса, бундай кишиларда маънавий-маърифий қадриятларга муносабат миллий менталитетимизга муносиб тарзда ривожланиб боради.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг /”Халқ сўзи” 24.07.08./ хулосаларига кўра, Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти /73,1 %/ шахснинг камол топишида умуминсоний қадриятларни, яъни маънавий фазилатларни муҳим деб билиши маълум бўлди. Шахснинг камол топиши Ватаннинг эртанги кунини бўлган ёш авлод тарбиясига бевосита боғлиқдир. Тарбия бизда давлат аҳамиятидаги сиёсий масала бўлганлиги учун ҳам ёшларда биринчи навбатда катталарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш жамият аъзоларининг муҳим вазифасидир. Ҳамма нарсани шу вазифани уддалашдан бошланади...

Сўровда иштирок этганлар аксариятининг фикрича /86,7 %/ қадриятлар тизими асосини авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий анъана ва урф-одатлар ташкил қилар экан. Тадқиқот натижалари дўстона муносабат, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва камтарлик, катталарни ҳурмат қилиш каби юртдошларимизга хос бешта устувор маънавий хислатларни аниқлаш имконини берди. Ушбу хислатлар миллий менталитетимизга азалдан хос бўлган, бири-биридан зиёда ва зарур ахлоқий нормалардир. Кишиларнинг дунёқарашини аниқлаш, уларнинг дилида ҳали тилига чиқмаган, ҳатто қатъий бир қарорга айланиб улгурмаган ўйларига билиб олиш воситаларининг пайдо бўлиши қанча нарсаларни башорат қилиш ёки туғилиб келаётган бирор салбий ҳолатларнинг олдини олиш, профилактика қилиш имкониятларини яратмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз Тузукларида қайд этган бир ҳолат сўз юритаётган муаммомизга бевосита тааллуқлидир: “раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизождан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим”⁷. Соҳибқироннинг сўзлари теран ва аниқ, ўзи қурган улкан давлатнинг маънавий асоси худди ана шу тамойилларга суянган ва таянган эди, десак муболаға бўлмайди.

⁷ Темур тузуклари. Ғ. Ғулом номли нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.: 1991. Б.-14.

Катталарни ҳурмат қилиш деганда кўз олдимизга мўйсафид ота-она, бобо-буви, ака-амакилар, амма-холалар, катта ёшдаги қавму қариндошлар келади. Бу табиий хол, албатта. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳобалари фарзандда кимнинг ҳақи кўпроқлиги ҳақида уч маротаба сўраганларида ҳам онанинг, деб жавоб берган эканлар. Тўртинчи дафъа сўраганларида эса “отанинг”, деган жавоб олишган. Юқоридаги тадқиқотда катталарни ҳурмат қилишнинг қадриятлар тизимида бешинчи бўлиб тилга олиниши бу борада муайян мулоҳазалар юритишга чорлади. Агар биз маънавиятимиз сарчашмаларига назар ташласак, катталарни ҳурмат қилиш қадриятларимиз аввали, боши эканлигини кўрамыз. Юқорида соҳибқирон бобомиз ҳам кимларни қандай даражада ҳурмат қилганларини ўз Тузукларида навбати билан қайд этганига гувоҳ бўлдик.

Ҳазрат Алишер Навоий эсини таниган кезларда қўлига тушиб қолган Фаридиддин Атторнинг “Лисон ут-тайр” асарини тўлиқ ёдлаб олиб такрорлаб юрган. Асар муаллифини эса ғойибона ўзига устоз деб билган. Ўз замонасининг буюк ижодкорлари бўлган Лутфий, Жомий ва Низомий Ганжавий каби алломаларни ҳам ўзига устоз деб билган, уларнинг ҳурматини падари бузруквори ҳурматидан паст кўрмаган. Демак маънавиятимиз тарихида катталарга ҳурматни устозларга ҳурмат билан бирликда тушунишган. Бу анъананинг боши янада қадим замонларга бориб туташини сир эмас. Ушбу миллий фазилатимизнинг моҳияти фақат аниқ шахслар билан чекланиб қолмаганлигини, аجدодларимиз бу билан муайян қадриятлар тизимини, айтайлик миллий қадриятларимизни, кўхна урф-одат ва анъаналаримизни ҳам ҳурмат қилганларини, кўз қорачиғидек асраб-авайлаганлигини таъкидламоқчимиз. Айтайлик, тарихи неча асрлар қаърига бориб туташидиган Наврўз байрамини ҳурмат қилмай, эъзозламай бўладими. Йўқ, албатта. Ёки элимизга азалдан ҳамроҳ бўлиб келаётган ҳашаримиз ҳам шубҳасиз эъзозга сазовор анъанадир. Катталарни ҳурмат қилиш деганда ёшларимиз, келажак авлод ана шундай катта маънавий қадриятларимизни ҳам тушунишларини истар эдик, чунки ана шундай барқарор тушунчалар ҳам аввало алоҳида, якка холда мавжуд бўлган парчаларнинг йиғиндисидир.

Томчи океаннинг бир парчаси ва унда қуёш миттигина бўлиб акс этади. Биз катталарни ҳурмат қилиш деганда анъаналаримизни, қадриятларимизни ва албатта, Ватанни ҳам ҳурмат қилиб севишимиз ҳамда эъзозлашимиз табиий.

Коммунистик мафкура ҳукмронлигида миллатни ўз қадриятларидан ажратиш, уни юқорининг амри-фармонида “лаббай”, деб қўл қовуштириб турадиган подага айлантириш, миллатни ўзлигидан узоқлаштириш сиёсати юргизилганди. Улар одамни жамият машинасининг бир винтчасига айлантирдилар ва одам жамият учун яшашини зўр бериб онгимизга сингдирдилар. Жамият одамлардан иборатлигини, у асли инсонга хизмат қилиши лозимлигини унуттиришга ҳаракат қилдилар. Бу билан одамнинг қадр-қиммати, у сиғинадиган маънавий қадриятлар аёвсиз топталди. Қатллар, қирғинлар жамият, давлат манфаати учун, дея оқланди. Маънавий қадриятларимиз ана шундай синовлардан ўтди. Бешикданок онгу шууримизга

она сути билан сингдирилган катталарни ҳурмат қилиш туйғулари ҳам тоталитар тузум зуғумларини бошдан кечирди. Ўз отасини давлатга чақиб берган болалар тимсоли идеаллаштирилди. Кишилар синфий мансублигига, эътиқодига қараб табакалаштирилди, уларга буни ҳар дам эслатиб туриш, таъкидлаб аташ муомалага киритилди. Коммунист, комсомол ташкилотлари аъзолигига қараб муносабат билдириш, ишончли ёки ишончсизлик меъёрини шу мансублик орқали баҳолаш шўро адабиёти ва санъатининг ҳам диққат марказида турди. Одамнинг ёши катта ё кичиклиги коммунистик ахлоқда аҳамиятга эга эмасди, чунки коммунистлар учун маънавий қадриятлар октябрь тўнтариши юз берган кундан эътиборан ўз қимматини йўқотганди. Ўша кундан эътиборан ҳамма нарса синфий кураш талабларига бўйсундирилган эдики, буни улар билан ёнма-ён бўлган таниқли зиёлилар ва олимларнинг ўзлари ҳам армон билан эслаб юрдилар.

Синфий манфаатлар миллий ўзига хосликдан воз кечишни, жумладан, катталарни ҳурмат қилишни ҳам инкор этарди. Коммунистлар идеали, кўрган бўлсангиз, 30-йиллар кинофильмларида ўз ифодасини топган. Унда қизлар, йигитлар, катталар ва кичиклар – ҳамма жамоа бўлиб ишга чиқади, жамоа бўлиб ошхонага киради ва у ерда пиво, вино ва арақ ичишиб рақсга тушишади, кўшиқ айтишади, кейин яна ишга тушиб кетаверишади. Бошқа санъат асарларида ҳам кишиларнинг ахлоқи ана шундай лагер, қамоқхона ҳаёти тарзида тасвирланади. Адабиётга, санъатга тикиштирилган бундай “янги турмуш” мезони кўп йиллар коммунистлар идеали бўлиб келди ва у миллий қадриятларимизнинг, шунингдек, умуминсоний қадриятларнинг ҳам емирилишига сабаб бўлди. Унинг ўрнига совет турмуш тарзи тикиштирилди.

Тахтдан расман воз кечган Романовларнинг оила аъзоларини қатл қилиш ҳали ҳамон коммунистларнинг энг манфур жинояти сифатида қайд қилиб келинмоқда. Шундай жаҳолат меҳнаткашлар давлатини қурмоқчи бўлган жамиятга керакмиди? Йўқ, албатта. Бу миллатнинг маданий қатламига, демак маънавиятига қарата ғазовотнинг манфур кўриниши эди. Қатағонлар, одамларнинг ўз юртига, ватанига, халқига кўрсатган садоқатига ишончсизликнинг, фикр учун маҳв қилишнинг, демак коммунистик мафкуранинг амалдаги ифодаси эди. Шундай муҳит ҳукмрон бўлган жамиятда катталарни ҳурмат қилишдек ноёб ҳислатимиз ҳам маълум даражада мажруҳ бўлиб қолди.

Катталарни ҳурмат қилиш, устозларни ота ўрнида кўриш бизнинг миллий менталитетимизда азалдан мавжуд эди. Шунга қарамай бош қонунимизда уни расман қайд этиб, миллий фазилатга алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик Конституцияси қабул қилинаётганда Президент ташаббуси билан унга 66-модда махсус киритилди: “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”⁸.

Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат. Шундай экан мамлакатимиздаги миллати, элати ва эътиқоди турлича кишиларнинг ҳар бири асосий

⁸. Ўзбекистон Конституцияси 66-модда. Тошкент-2006 й.

конунимизнинг ушбу талабини билиши ва бажариши керак. Бу аввало ота-онага, кекса авлодга ҳурмат-эътиборнинг намунасидир. Қолаверса, комил инсон тарбияси миллий ғоямизнинг муҳим таркибий қисмидир. Катталарни ҳурмат қилиш комил инсон тарбиясининг асоси. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида шундай ёзади: “...бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак ўйлайманки, хато қилмаган бўламан”⁹.

Катталарни ҳурмат қилиш, улар қатнашаётган давраларда ёшларнинг андишали бўлиши маънавиятимизнинг муҳим шартларидандир. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ўз нутқларида, асарларида бой ҳаётий тажрибага эга кекса авлод ҳақида чуқур ҳурмат билан гапиради. Мустақиллик йилларида маънавий қадриятларимизнинг тикланиши ва унинг янги қирраларини намоиш этишда маҳалла институтининг жорий қилингани муҳим воқеа бўлди. Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг давомийлигини, ҳаётийлигини кўрсатиш айнан маҳаллада амалга оширилади. Бу миллатимизнинг азалий қадриятлари бўлган Наврўз каби байрамлари, тўй ва турли маросимларни ахлоқ-одоб доирасида ташкил этишни тартибга солиш, катталарни ҳурмат қилиш ва кичикларга иззат кўрсатиш хислатларида намоён бўлмоқда. Маълумки, бундай тадбирлар бевосита маҳаллада ўтказилмоқда. Кекса авлод, меҳнат қилиб нафақага чиққан фаоллар, ота-оналарни бирлаштирган маҳалла уларни фаол ҳаёт кечиришга чорлаш ва айна бир пайтда ҳурмат-иззатини жойига қўйишда ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Шу маънода у халқимиз қалбидан янада чуқур ўрин олиб бормоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органларига тобора кенгроқ ваколатлар берилаётир. Маҳалла ушбу органнинг негизи ҳисобланади. Баъзан узоқ хориждаги биз учун “қайғураётган” муҳолифларимиз маҳаллани маҳаллий миллат вакилларига хос тадбирлар ўтказиш жойи, деб тушунтиришга интилоқдалар. Одамларнинг яхши-ёмон кунларида уларга камарбаста бўлишни ўз вазифаси деб билган, меҳр-оқибат ва диёнат асосига қурилган бундай бирлик дунёнинг кўп юртларида йўқ. Шунинг учун унинг намунаси хорижда йўқлиги, бизда мавжудлиги баъзиларнинг танасига тошма тоширмоқда. Биз билан ёнма-ён яшаб кўрмаса, аҳволимизни аниқ билмаса, қандай фикр юритар экан-а улар, дейсиз-да, ахир.

Маҳалла - байналмилал маскан. Буни биздан эмас, қардош миллат ва элатларнинг ҳаммасидан сўрашсин келиб. Турли миллатларнинг анъана ва урф-одатларини умумлаштираётган, улардаги умуминсоний жиоларни кўз-кўз қилаётган макон маҳаллада.

⁹ Ислом Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т., “Маънавият”, 2008, 118-бет.

Масалан, маҳалла худудидаги ночор ва ногиронларга, қаровсиз қолганларга меҳр-оқибат кўрсатиш, миллати, элати ва эътиқодидан қатъий назар, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби олийжаноб тадбирларда маҳалла ва ундаги фаоллар бош-қош. Оммавий байрамлар ва умумхалқ ҳашарларини тайёрлаш ва ўтказишда ўзининг мувофиқлаштирувчилик ролини оғишмай амалга оширмоқда ва топилган маблағларни мақсадли, одилона сарф-харажат қилувчи, ўз фаолиятини байналмилал асосга қурган жамоатчилик органи сифатида намоён бўлмоқда. Шундай қилиб, катталарни ҳурмат қилиш маҳалла-қўйни ҳурмат қилиш сифатида намоён бўлмоқда.

Халқ - тарихнинг яратувчиси. Аجدодларимиз тарихи, хотираси ҳам биз авлодлар учун қадрли ва юксак эъзозга муносиб. Тарихий хотирага ҳурмат маънавиятимизнинг асоси, ҳар биримизнинг англаган ҳақиқатимиздир. Уч минг йиллик тарихимизни, хотираларимизни ҳурмат қилиш демакдир.

Бизнинг бой ва бетакрор адабиётимизда катталарни ҳурмат қилиш мавзуси минг йиллардан бери эътибордан тушмай келаётир. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини эсланг. Отабекнинг ўз отаси Юсуфбек ҳожига муносабати, улар ўртасида бўлиб ўтган нафис диалог катталарга бизда ҳурматнинг қанчалик юксак бўлганини кўрсатиб турибди. Ёки Отабекнинг Зайнабга эътиборсизлиги учун унга онаси танбеҳ берганида қилган жавоби: “Мен сизга туриб чой узатмасин демайман, лекин менга бундай мулозаматнинг кераги йўқ”,-дея онасининг ҳурматини таъкидлаш билан ўзининг юксак маънавиятини намоёиш этишлари ва ҳоказо.

Катталарни ҳурмат қилиш, албатта оилада шаклланади. Анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти, шакл-шамойили шуни тақозо этади. Юқорида айтганимиздек, шўро давридаги большевикча-коммунистча тарбия тизимигина бизни бундан узоқлаштиришга интилди. Шундай бўлса-да, минглаб йилларга туташ ришталарни бутунлай узиб ташлай олмади. Энди ана шу ришталарни санъат ва адабиёт воситасида янада мустаҳкамлаш керакка ўхшаяпти. Ёшларга таъкид ва такрор етиб боради, хотирасига сингади. Демак ёш авлод маданий дунёқараши тизимида катталарни ҳурмат қилиш етакчи бўлиши, улар руҳиятида шуни шакллантириш муҳим. Бу ҳар доим эслатиб турилиши керак.

Афсуски, кундалик турмушда баъзан бунинг тескарисига дуч келяпмиз. Масалан, жамоат транспортидаги аҳволни олайлик. Метрода, автобус, троллейбус ва трамвайда кўп холларда ёш йигит-қизлар ўриндиқларни эгаллашиб, қулоқларига уяли телефонга уланган микрофон тугмачасини тикиб олишади-да, мизғиган холда, кўзларини атай юмиб олиб кетаверишади. Ёши бир жойга бориб қолган кексалар, ота-оналар тик туриб қийналишаётганини кўришса ҳам уларга парво қилишмайди. Баъзан бу холга чидай олмаган кишилар уларни инсофга чақириб кексаларга жой олиб беришаётганини кўриб қоламиз.

Катталарни ҳурмат қилишни жойига қўядиган камтар, камсуқум ва зийрак ёшлар ҳам кам эмас. Улар тавозени ўринли қўллаган пайтларда отангга балли,

деб кўзларидан ёш чиқиб кетганарга ҳам гувоҳмиз. Қаран-га, миллий қадриятларимизнинг жўнгина намойиши ҳам гўё анқоннинг уруғи бўлиб қолгану, унинг одатдаги ижроси бизда камёб матохдай таассурот қолдирмоқда. Шуларга қараб тарбиямиздаги баъзи бир қусурларни жадал тугатиш керак эканда, деймиз, кўнгилда шундай армон йилт этади.

ХУҚУҚНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

Хуқуқий-демократик қадриятларга асосланган фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб ривожланаётган мамлакатимизда фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини жадал англаш жараёни бормоқда. Мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги, ишлаб чиқаришнинг жаҳон андозаларига тенглашишига йўналтирилганлиги жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ҳам юксалишини, тўғрироғи уларнинг шу муносабатларга мослашишини тақозо этмоқда. Ҳуқуқий маданият кишилар яшаётган жамиятнинг муайян макондаги белгиловчи мезони сифатида намоён бўлмоқда, чунки у аввало шахс эркинлиги деганидир. Биз мустақиллигимиз қўлга киритилганидан бўён ўтган давр тасаввурларидан туриб ортга қарасак, фуқароларимизнинг бугунги ва ўша кездеги дунёқарашларида нақадар катта ўзгаришлар рўй берганлигини кўрамиз. Буни мустақиллик йилларида тугилган ёшлар илғамаслиги мумкин, лекин шўро давридаги коммунистик мафкура иккиюзламачилигини, одамларни гофилликда тутиш учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмаганини ўз бошидан кечирганлар яхши билишади.

Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги “Соҳил” фермерлар уюшмаси ҳудудига аҳоли асосан эллингичи йилларнинг бошларида Форишдан кўчирма бўлиб келган. Ундан аввал ҳам бу ерларда унчалик кўп бўлмаган ҳар хил миллат ва элат вакиллари яшаган. Ҳозирги аҳоли ўша вақтдаги кўпмиллатли чўлқуварларнинг авлодларидир. Салкам тўрт минг аҳолини бирлаштирган маҳаллада ўнга яқин миллат вакиллари ака-укадек баҳамжиҳат яшашади. Аввал бир хўжалик бўлган ҳудуд бўлинган ва ҳозирги иккита фермерлар уюшмаси Сирдарё фуқаролар йиғини, деб номланади. “Соҳил” маҳалласига Эсонбой Умрзоқов оқсоқол. Шу лавозимга у муқобиллик асосида иккинчи бора сайланди. Олий маълумотли ҳосилот, хўжаликни бошқариб муайян тажриба тўплаган, шу ерли аҳоли ўртасида обрўга эга бўлган Эсонбой Умрзоқов билан суҳбат қилиш мароқли, чунки у жамиятда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатишни, таҳлил қилишни ёқтиради. Суҳбатларимизнинг бирида у оддий қишлоқ одамларининг ҳам аввало ўз-ўзини, қолаверса, ўз ҳуқуқларини англаши ўсиб бораётганини айтиб қолди. Буни нималарда кўрасиз, деб савол бердим суҳбатдошимга. Ҳарҳолда, оқсоқолнинг кузатишлари қизиқ-да. Шунда у вазминлик билан санай бошлади: бирорта фуқаро депутат бўлиб сайланаман деса, марҳамат, сайлов муддати келган вақтда ёки бўшаб қолган депутат ўрнига ўз номзодини тавсия қилиши мумкин, бу ҳам кишининг ўз кучига, эртанги кунига ишончининг белгиси-да, ахир. Бу бир. Айтайлик, бирор бир мажлисда, йиғилишда, умумхалқ байрамларида, тўй-маъракаларда гапираман, одамларга, раҳбариятга ўз фикримни айтмасам бўлмайди, гапим ижтимоий аҳамиятга эга деса, марҳамат, айтаяпти. Бу икки.

Оқсоқол яна анча-мунча далилларни санаши мумкин эди. Ундан биз қандай қилиб оқсоқолликка сайлангани ҳақида сўрадик. Эл қатори, деди камтарлик билан. Аслида у хўжалик раҳбарлиги лавозимидан соғлигини рўқач

килиб бўшаган. Кўп қатори фермер бўлиб ишлаётганди. Лекин ҳамқишлоқлари сайловда унинг номзодини муқобиллик асосида кўрсатишди.

Ҳозир сайловчига раҳбарларнинг гапларига “хўп-хўп”лаб пилдираб юрадиган тилсиз-жағсиз ижрочилар эмас, балки Эсонбой Умрзоқовга ўхшаган, масалаларни жўяли тарзда юқори ташкилотларга кўя оладиган, маҳалла аҳолиси иссиқ-совуғига камарбаста бўладиган киши керак. Шунинг учун ҳам унинг номзоди кўрсатилганида сайловчилар унга қарши бир нима демади. Муқобиллик асосида бир нечта номзодлар муҳокама қилинди ва маҳалла аҳолиси айнан унга - Эсонбойга кўпроқ овоз берди. У оқсоқолликни зиммасига олди.

Ғолиб чиққани сабабларини ундан сўраш ноқулайроқ бўлгани учун буни маҳалланинг кексаларидан сўрашга тўғри келди. Улар маҳалла оқсоқолининг ўта масъулиятли ва адолатли эканлигини гапирдилар. Одамлар ҳозир аввалгидек мум тишлаб ўтиравермайди, деди бир суҳбатдош отахон.

-Маҳаллани табиий газ билан таъминлаш кейинги бир неча йилда кескин камайиб кетганди. Шу вақтда аҳолидан юқори органларга ариза ва шикоятлар кўпайди. Шу пайтда Эсонбой Умрзоқов белни боғлаб муаммони ҳал қилишга киришди, - деди бошқаси.

Ҳурматли мўйсафид шуларни айтар экан, оқсоқолнинг саъй-ҳаракатларини, туну кун югуриб елганини таъкидлади. Маҳалладан туман ва вилоят кенгашига сайланган депутатларни ҳам оқсоқол тинч қўймаган, турлитуман идораларга улар билан биргаликда кириб чиққан. Ота бир масалани алоҳида таъкидлади. Аҳолининг кўнглини топса, улардаги имкониятларни ишга солишни билса, жуда катта яратувчилик ишлари амалга ошар экан. Маҳалла оқсоқолининг саъй-ҳаракати натижасида қишлоққа мўл газ етказиб келишда исботини топди. Газ идоралари маҳалладаги газ босимини кўпайтиришга ва қувурларни алмаштиришга рози эканлару, лекин ўша манбагача 2,5-3 километрлик масофага қувурни тортишда аҳолининг бироз амалий ёрдами лозим экан. Шунда оқсоқол маҳалла фаолларини, кексаларини тўплади ва вазиятни уларга аниқ-тиниқ тушунтирди.

-Бу иш асосан ўзимизга боғлиқ,- деди оқсоқол. -Энди олма пиш, оғзимга туш, деб кутиб ўтирадиган замон эмас. Қишда иссиқ бўлсин десак, ҳашар қилиб қувурни катта манбага улашимиз керак.

Оқсоқол бош бўлди, газ тақсимлаш ташкилоти муҳандисларининг маслаҳатлари билан кунига қувур ётқизиш ишларида маҳалладан 150-200 нафар одамлар иштирок этдилар. Ҳашарчилар иссиқ-совуғини ҳам аҳолининг ўзи ўз ҳисобидан ҳал этди. Бир ой деганда қишлоқни катта қувурга уладилар. Ўзларининг шунча катта ишга қодир эканликларидан ҳайратга ҳам тушдилар. Халқимизнинг анъанавий ҳашар удумининг афзаллиги шу ерда яна бир бор намоён бўлди. Аввалига ечими йўқдек бўлиб туюлган муаммо одамларнинг бамаслаҳат ва баҳамжихат, шовқин-суронсиз бирдамлиги туфайли ечилди. Ана шу ташкилотчилик ва одамларнинг фаоллиги маҳалла аҳолисининг қиш қаҳратонларидан қийналмай чиқишини таъминлади.

Буларни таъкидлашдан муддао шуки, авваллари юқори ташкилотларга тинимсиз ариза-шикоятлар йўллайверадиган қишлоқ аҳолисига маҳалла оқсоқоли фуқароларда муайян ҳуқуқлар билан бирга, аниқ белгиланган қатор бурчлар ҳам борлигини эслатди. Дунёда иқтисодий бухрон давом этаётган бир пайтда ҳашар билан қилиш мумкин бўлган шу ишга ҳам давлатдан кўмак кутиб туравермай, манфаатдор бўлган ҳар бир фуқаронинг иштирок этишини англатди. Унинг саъй-ҳаракати сафарбарликни таъминлади. Натижада қишлоқ фуқаролари шўро давридагидек, ҳамма нарсани кимдир қилиб беради, деган тушунчадан воз кечдилар. Улар ҳуқуқлари билан бирга, бурчлари ҳам борлигини англадилар. Маҳалла корига, юрт корига тайёرمىз, дея ишга киришдилар.

Эсонбой Умрзоқовни оқсоқол қилиб сайлашаётганда унга: маҳаллага нималар билан ёрдам бермоқчисиз, деган савол ҳам тушган экан. Шунда у: “албатта, сизлар билан ҳамкорликда, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга ва адолат билан иш юритишга уриниб кўраман”, деган эди. Унинг ваколат муддати тугаб, навбатдаги сайлов ўтаётганда сайловчилар қилинган ва қилинмаган ишлар ҳақида очик гапирдилар. Эсонбой ҳам ёруғ юз билан ҳисобот берди.

-Аҳоли билан бирга, кексалар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари билан баҳамжихат ишладик, кўнгилни хижил қиладиган ишга кўл урмадик,- деб дадил айтди.

Шунинг учун ҳам уни аҳоли яна оқсоқол қилиб сайлади. У мустақиллик кафолатлаган ўз ваколатларини оғишмай амалга оширмоқда ва бу йўлда ҳамқишлоқларини ўз ташаббусларига йўлдош қилишга интилмоқда. Ҳам ўзининг, ҳам ҳудудидаги аҳолининг ҳуқуқ ва бурчларини амалда намоён эта олганидан у хурсанд бугун. Янаги сайловда аҳоли унинг номзодини шу лавозимга яна кўрсатадими йўқми, бу уни ташвишлантираётгани йўқ. Негаки, ўзига ажратилган ваколат муддатини тинимсиз фаолият ва натижалар билан безаш унинг кундалик одатига айланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг кафолати аслида мана шу ердан у етакчилик қилган маҳалла институтидан бошланишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштироки ҳам худди шу ердан бошланыпти, десак, бунда ҳеч қанақа муболага йўқ. “Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда”¹⁰.

¹⁰ Ўша асар. Б. 59.

Масалан, аҳолининг маъмурий ва давлат идораларига мурожаатларини олайлик. Ушбу масалага бағишланган қонун қабул қилингандан сўнг аҳоли ариза ва шикоятлари билан ишлаш, уларни белгиланган вақтда ижро этиш борасида анча ишлар амалга оширилди.

Бир вақтлар вилоятларнинг собиқ ҳокимлари аҳолини бир ойда бир маротаба, кўпинча шанба кунлари қабул қилар, шунда ҳам ҳоким бобонинг ўзига кириш, у билан юзлашиш амри-маҳол бўлар эди. Бундай ҳоллар баъзи вилоятларда ҳамон давом этаётир. Аммо айти пайтда ҳокимнинг ўзи ва ўринбосарлари аҳолини маҳтал қилмасдан бевосита шаҳар ва туманлар марказларида ҳар ҳафтанинг муайян кунларида қабул қилмоқдалар. Биз бу ҳолатни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлганимизда гувоҳи бўлдик. Натижада аҳолининг турли органларга шикоятларнинг кескин камайишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашнинг, шу муаммони амалда ҳал этишнинг бир намунасидир. Ҳозир юқори органларга мурожаат қиладиган кишилар ўз ариза ва шикоятларининг қайси ташкилотга тааллуқли эканлигини билиб кейин кўлига қалам оладиган бўлиб қолди. Негаки, олиб борилаётган ишлар натижасида уларда ана шундай малака ва маданият шаклланмоқда. Буни ҳам амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар натижаси десак, хато бўлмайди. Чунки вилоят ҳокимининг қабулларида маъмурий органлар вакиллари ҳам доимо иштирок этганлари ва масалалар, муаммолар муҳокамаси ҳамда ечимида ўз мулоҳазаларини билдираётганлари учун улар барча масалалардан бохабар бўладилар. Қолаверса, ҳар сафарги қабулларга кираётган кишиларнинг ҳоким қабулидаги ташкилот, муассаса ва корхона раҳбарлари билан ўзаро мулоқоти ҳам уларнинг ҳуқуқий савияларини, қайси масалада кимларга мурожаат қилиш мумкинлиги ҳақида муайян кўникма ҳосил қилмоқда.

Жойлардаги фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича судларга фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилларда онда-сонда мурожаатлар қилинар, уларнинг кўпчилиги қонунчилик нуқтаи назаридан савияси паст мурожаатлар бўлар эди. Очиғи, фермерлар ўзлари дуч келган тўсиқларни қайси суд органи кўриб, мушкулларини осон қилишини тўлиқ билмасдилар. Қолаверса, суд органларида ҳам ишлаб чиқариш бўйича келишмовчилик ва тортишувларни ким ва қайси суд органи ҳал қилиши борасида маълум маънода яқдиллик йўқ эди. Бу борада секин-аста тажриба тўплана борди ва фермерларнинг муаммолари билан асосан адлия органлари ва хўжалик судлари шуғуллана бошладилар. Дастлабки бир неча йиллар мобайнида туманлар ҳокимликларига протест келтириш ҳоллари санокли бўлган бўлса, кейинги йилларда ҳокимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича протестлар киритиш суръати кескин ошди. Умуман фермерлар ва улар билан ишлаб чиқариш муносабатларида, шартномавий шартларнинг бажарилишини талаб қилиш бўйича ишлар сони кейинги йилларда ортиб борапти. Судлар авваллари фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишга иккиланиб киришган бўлсалар, ҳозир уларнинг мулкӣ манфаатлари қатъий туриб ҳимоя қилинмоқда.

Президент Ислом Каримов фермерларга қарата: “ортларингда мен турибман, ҳеч кўркмасдан олға босаверинглар”, деган қанотли шиорни ўртага ташлади. Бу ҳам жамиятимизнинг нақадар демократлашиб бораётганига бир мисол.

Шаҳар ва туманлардан тортиб то Парламентгача бўлган халқ ноибларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш кафолати изчил амалга оширилмоқда. Айниқса кейинги йилларда Олий мажлис палаталарининг жойларда ўтказилаётган кўчма мажлислари аҳолининг парламентга ишончини янада кучайтирмоқда. ”Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир. Айнан шу боис биз “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” концепциясини ишлаб чиқдик ва бу ғояни изчил амалга ошириш масаласига биринчи даражали аҳамият қаратиб келмоқдамиз¹¹. Ҳақиқатдан ҳам, кўриб ўтган мисолларда биз кучли давлатдан – кучли жамиятга қараб илдам яқинлашаётганимиз кўринади.

Сирдарё вилояти прокуратураси муассислигида нашр қилинадиган “Адолат кўзгуси” газетаси қошида ташкил қилинган ёш мухбирлар ва қаламкашлар университетини 2007 йилда ўттизга яқин тингловчилар битириб чиқдилар. Ушбу университетнинг бир нечта машғулотларини камина ҳам ўтказишимга ва ёш қаламкашлар билан шуғулланишга тўғри келган. Тингловчилар асосан университет, коллеж ва лицей талабаларидан ва мактаб ўқувчиларидан иборат эди. Уларга журналистика амалиёти, жанрлар ҳақида билим билан бирга, журналистларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида ҳам тасаввурлар бериларди, аниқроғи улар шуни хоҳлашарди. Демак мустақил юртимиз ёшлари ўзларининг ҳуқуқий билимларини оширишга биринчи даражали вазифа деб қарамоқдалар. Шўро давридаги мухбирлар ўқишларини эслаганда улар бундай масалалардан қанчалик узоқда бўлганларини, ҳуқуқий билим олиш ҳаёлларига ҳам келмаганини эслайман. Мустақиллик йилларида ўқиган ёшлар эса аввало ҳуқуқий билимларини тўқислашдан манфаатдор эканликларини ўз кўзим билан кўрдим. Бу ҳақиқатдан ҳам жуда муҳим ва кишини қувонтиради. Парламентимиз журналистлар фаолиятининг кафолатлари ҳақида яхши, етук қонунлар қабул қилдилар ва улар нафақат мухбирга, балки фуқароларга ҳам ташкилот ва муассасалардан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маълумотлар, ахборотлар олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Шу ўринда партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳам фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий кафолатлар мавжудлигини ва уларнинг давлатни бошқаришда фаол иштирок этаётганликларини айтиб ўтиш жоиз. Қолаверса, улар ҳам муайян масалаларда қонунлар қабул қилиш бўйича Парламентга ташаббус билан чиқиш ва ўз фракциялари орқали таклифларини

¹¹ Ўша китоб. Ўша жойда.

ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Булар ҳаммаси инсон, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари, унинг ёрқин намоиши эмасми?!

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини тобора оширмоқда. Айниқса мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон ҳуқуқларини эъзозлашнинг олий намунаси бўлди. Ярашув институтининг жорий қилиниши, санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан суд органларига ўтказилгани суд-ҳуқуқ тизими қиёфасини янада “инсонийлаштирди”. Жиноят содир қилган шахсларнинг адвокатсиз сўроқ қилинмаслиги ҳам кейинги вақтларда амалиётдан қатъий ўрин олди. Буни нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки бутун дунё кўриб турибди ва давлатимизнинг инсонпарвар сиёсатига тан бермоқда. Конституцияда “Ўзбекистон фуқаролари миллати, дини, ирқи, ижтимоий аҳволидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар” деган тамойил ва уларга ҳаётда изчил амал қилиб келинаётгани юртимизда жамият аъзолари ижтимоий аҳволининг барқарор бўлишини таъминламоқда.

Фуқаролар йиғини раислари /оқсоқоллари/ сайлови муҳим сиёсий кампания бўлди. Охирги сайлов даврида бу ҳаётий муҳим, аҳолининг барча муаммоларини ечиш зиммасига юкланган органга асосан муносиб кишилар сайланди, деб айтишга асослар бор. Лекин баъзи жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари олиб бораётган ишлар давлатимизнинг ночор ва ногиронларга ажратаётган маблағларини тақсимлашдан нарига ўтмаётирлар. Сайловчиларни бундан беҳабар, деб бўлмайди. Шундай экан улар ўз ваколатларидан фойдаланиб маҳалланинг фаровонлигини янада оширадиган, адолатни ёқлайдиган ишларга фаол аралаштирари лозим. Агар маҳаллада одамлар жамият ҳаётидан рози бўлса ва ўзлари ҳам ўз ҳаётларини янада мазмунли қилиш ҳаракатида бўлишса, оқсоқол ва раислар ана шундай муҳитни яратишса, у ерда ютуқ устига ютуқ бўлаверади. Жамият барқарор бўлади ва маҳалладаги каттаю-кичикнинг ўз ҳаётларидан розилиги таъминланади. Аксинча бўлса, у ерда жамият ҳаёти беқарор бўлади. Бизга эса аввало оиланинг, кейин маҳалланинг ва охир-оқибат юртнинг тинч-тотувлиги, муаммоларни биргаликда ечишда яқдиллиги жуда керак, зеро у мустақиллигимиз боқийлигининг манбаидир.

ЖЎМАРДЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Биз азалдан маслаҳат ва машваратни ёқтирадиган, бирор қарор қабул қилиш ёки тадбир белгилашдан аввал у ҳақда мулоҳаза юритадиган, элдан чиқмасдан, кўпдан қолмасдан иш бошлайдиган халқмиз. Мустақиллик инъом этган мулкдорлик ҳисси миллий кадриятларимизга ҳам муайян даражада ўзгартишлар киритмоқда. Анъаналаримиз мазмун-моҳияти тезкор замон таъсириданмикин, жўнлашаётгандай, менталитетимизга хос бўлган лафз, орият каби тушунчаларга қисман путур етаётгандай назаримда. Мисол учун, тез-тез ўтказиб туриладиган тадбир ва мажлисларимизни олайлик.

«Тадбир» терминига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шундай таъриф берилган: «Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси. Шунинг учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар мажмуи. Чора, илож». Мажлис ва машваратларда раҳбарлардан у ёки бу даражадаги ишлар ижроси ҳақида сўралганда уларнинг кўпчилиги «тадбир белгиладик», «дастур туздик», деган гапларни тез-тез тилга олишади. Маълум вақт ўтгандан сўнг шу масала яна кўтарилади ва айнан ўша гаплар яна қайтарилади. Сўраётганлар ҳам, жавоб бераётганлар ҳам ваъда қуруқ сўзлигини билиб туришади, лекин ўйин қоидаси шунақа, юқориники эслатишдан, қуйиники «тадбир белгилаш»дан иборат. Бу баъзи раҳбарларнинг иш услубига, ўзини талабчан ва ишлаётган қилиб кўрсатиш воситасига айланиб қолган.

Муаммога кейинги сафар кенгроқ ва қамровлироқ ёндошилгандир, дерсиз. Қайда, одатдаги гаплар ва ваъдалар. Уяли телефон рекламасидаги «кўпроқ гапиринг», деган сўзга кўзингиз тушгандир. Шу сингари, баъзи шаҳар, туман, вилоят, ҳатто вазирликларда ишлайдиган раҳбарлар орасида тадбирбозликни одат қилганлар бор. «Тадбир белгилаш»дан чарчамаган шундай акахонларга ўша реклама роса мос тушган-да. Тажрибали раҳбарлар бир масалага иккинчи маротаба қайтилиши ва такроран муҳокама қилиниши унинг жиддийлигини оширади, у чуқурроқ англанади, деб ҳисоблашади. Бу фикрни қайсидир маънода тўғри деб ҳам айтиш мумкин, чунки бугунги кунда давлат даражасида белгиланаётган тадбирларни муҳокама қилиш ва чоралар белгилаш натижасида амалга ошаётган ишларни кўриб баҳри дилинг очилади, халқимизнинг фаровонлик даражаси кундан-кунга ортиб бораётганини кўриб қалбингни қувонч ҳисси чулғайди. Лекин айрим соҳаларда иш ўрнига мажлисбозлик кўпайиб бораётганлиги дилни хира қилади. Қайсидир бўғин раҳбарларини ёки айтайлик, тадбиркор ва ишбилармонларни бир хил масала бўйича қақиравериш, унга кўникириб қўйиш тўғримикин? Биз фуқаролик жамияти қуряпмиз. Унда қонун устувор бўлиши эълон қилинган ва Конституция билан мустаҳкамланган. Бу, албатта лафзда туришни, фуқароларимизнинг бир-бировини тинглай олиш маданиятини тақозо этади.

Бир масалани қайта-қайта гапиравериш, айникса раҳбарларнинг қўл остидагиларга монологи жонга тегиши, кўп холларда хафсаласизликка сабаб бўлишини унутмаслик керак.

Ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари шаҳар ва туман ҳокимлари уларни эртадан кечгача давом этадиган мажлис ва тадбирлар билан кўмиб юборганидан нолийдилар. Хўш, шу мажлислар, такрорланаверадиган савол-жавоблар, вақтни бекорга ўтказишлар нима беряпти? Уларга шундай савол берсангиз, елка қисишади. Баъзан бир мажлисдан чиқиб қишлоққа етиб бормасдан яна туман, шаҳар марказига, навбатдаги тадбирга қайтишлар ниҳоятда кўп бўлади, дейишади улар. Кишиларнинг қимматли вақтларини оладиган, муайян ҳудудга на моддий, на маънавий фойда бермайдиган куруқ мажлислар сонини камайтирса бўладими? Ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаси аслида одамларнинг дардларига дармон, кўнгилларига малҳам, бошига мушкул иш тушганларга ҳамдард бўлишдан иборат эмасми?

Президент Ислон Каримов ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан ана шундай фидойиликни талаб этмоқда. Мажлисма-мажлис юравериш уларни асосий ишдан – ҳудудлардаги ижтимоий ва маиший муаммоларни тугатиш билан шуғулланишдан чалғитаётгани сир эмас. Ҳозир шу босқич раҳбарлари ўртасида тадбирга кетганича 2-3 кунлаб юраверадиған тадбирбозлар ҳам пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот ва кузатиш натижалари мавжуд. Яқин вилоятлардаги катта қишлоқ фуқаролар йиғини раисларидан бирини яқинда 1-2 кун мажлисга чақиришмабди. Ҳудуддаги кўришган одамларга туман марказига мажлисга кетаётганини доим писанда қилиб юрадиган акахон бундан безовта бўла бошлабди. Биродарлари унинг шашти пастлигини сўрашса, мажлисга чақиришмаётганидан нолибди. Қаранг, вазифанинг гаштини баъзилар мажлисма-мажлис юришда, деб тушунади.

Мана, мажлис ҳам тугади, “тадбир” белгиланди, масъулларга у ёки бу вазифалар тақсимланди. Баъзилар мажлисдан чиқибок уларни унутишади. Бу хол беихтиёр шўро давридаги одатларни эслатади ва унинг асорати ҳали ҳам аримабдида, деган фикрни уйғотади.

Ўша пайтлар фалон йили совет халқи коммунизмда яшайди, деган дастурлар ҳам тузилгани ёки фалон вақтдан кейин биз маккажўхори ялпи ҳосилида Америкадан ўзиб кетамиз, деб тузилган режалар ҳамон эсда. Шундай фантастик режаларни фақат қоғоз кўтаролган ва халққа етказган. Ўшандай шов-шувли тадбирбозликлар нима билан тугаганини кекса авлод яхши билади. Ҳатто ҳайвонларга қирон келтириш бўйича ҳам тадбирлар белгиланган, шўроча кампаниябозликлар ўтказилган эди. Бу ўйламасдан, истиқболни ҳисобга олмасдан, миллий республикалар менталитетига мутлақо зид бўлган шармандали қарор ва ҳужжатлар эди.

Авалло режани пухта ўйлаш, муҳокама қилиш ва бир тўхтамга келгач, кейин уни қоғозга тушириш лозим. Чунки режа ва тадбир – сафарбарлик воситаси, у одамлар тақдирига даҳлдор. Перо билан битганни болта билан ҳам ўчиролмайсан, деган мақол бекордан айтилмаган, чунки уни бир неча ўн йиллардан кейин авлодлар ўқиб, мулоҳаза юритади. Мана, биз ҳам амалга

ошмаган, лекин қанчалаб қоғозларни тўлдирган коммунизм куриш ҳақидаги сафсатани эслаб турибмиз-ку! Ўшанда мажлислар, семинарлар, ҳар хил маросимлар болалаб кетганини кўриб йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмасдик. Масалан, вилоят даражасидаги ходимларнинг шаҳар ва туманларга бориб, оммавий текширишлар ўтказишларини олайлик. Аввало мажлис баённомаларини кўришдан иш бошланар эди, унда съездларнинг қарорлари ва дохийларнинг маърузаларига қанчалик таянилгани аниқланар, бу жуда муҳим таомил эди. Реал ҳаётдан узоқ, фақат қоғоз чидаши мумкин бўлган масалалар хижжалаб ёзиб олинар, ана шулар жамоанинг ютуқларига асос бўлганлиги “исботланар” эди. Ташкилот, шаҳар ва туман бўйича ўтказилган мажлисларнинг сони ҳамда унда қабул қилинган қарорлар барча муаммоларга ечим сифатида хулоса қилинарди. Ичда эса шу ёзганларимизга ўзимиз ҳам ишонмас эдик, лекин қабул қилинган таомилга хилоф иш қилиш ҳам мумкин эмас эди.

Ўша пайтда қайси ташкилотда ҳужжат, яъни мажлис баённомалари яхшилаб юритилган, папка қаппайган бўлса, ўша ташкилот бошқаларга намуна қилиб кўрсатилар эди. Гўёки шу мажлис баёни бўлмаса, дарё тескари оқадигандек. Мажлис ўтмаган бўлса-да, у қоғозда расмийлашган бўлса, демак ўша ташкилот, жамоа яхши ишляпти, деб ҳисобланарди. Ҳужжат бўлмаса, бу ўта масъулиятсизлик ҳисобланар, бундай “фавқулодда ҳолат” ҳақида зудлик билан юқори органлар бохабар қилинар эди. Айбдорлар аёвсиз жазога тортиларди. Масалан, қорамолни сунъий қочириш бўйича юқоридан келган махфий қарорнинг бир банди туманда қониқарсиз бажарилгани бўйича, яъни сигирларни қочиришдаги суръатнинг пасайгани учун ўнга яқин коммунист-мутахассисларга аёвсиз жазо берилгани ҳамон эсимда. Мажлисларда одам тақдири ўйлаб ўтирмасдан ҳал қилиб юборилаверарди. 30-40-йилларда эса бундай ҳолларга зарарқунандачилик, қўпоровчилик тамғаси босилган ва айбдорлар оммавий қатл қилинганини ҳаммамиз биламиз.

Мажлислар ва уларнинг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти бўйича ўнлаб ҳисобот варақалари бўлар эди. Қоғозбозликни камайтириш ҳақида ҳам ҳужжат қабул қилинганди. Қоғозни камайтириш учун яна қоғозлар қораланар эди. Қораланган қоғозлар эса тезгина унутилар ва яна янги қоғозлар ўйлаб топиларди. Шўро ўзи белгилаган тадбирларга ўзи риоя қилмаганлиги, сўз билан иш бирлиги меъёри бузилганлиги учун ҳам барҳам топа бошлаган эди, десак хато бўлмайди.

Бугун бу кулгили туюлади, бажарилмаган ваъда ёки белгиланган тадбирнинг ууддаланмаганлиги учун ҳозир қаттиқ жазоламайдилар, лекин вақтдан ютқизиш, фойдадан, ҳамкасблар ва ҳамкорлар назаридан қолишнинг маънавий ва моддий зарарини ким ҳисоблаб чиқади? Нима, бу кам зарарми?! Мустақиллик инсон ҳуқуқларини кафолатлади, уни устувор, деб белгилади. Шундай экан, нега баъзи бир фуқароларимиз, раҳбарларимиз ўз ваъдасига, лафзига, белгиланган тадбирларга оғишмай риоя қилиш ўрнига уни кўп ҳолларда суиистеъмол қилишади?

Тадбиркор фуқароларимиз ҳозир жаҳон билан бўйлашмоқда, корхоналар дунё бозорларига чиқмоқда ва бу жараён янада кенгаяверади. Биз биргаликда ёки алоҳида белгилайдиган тадбирларга, дастурларга, унинг аниқ макон ва замонда амалга оширилишига, ваъдаларимиз устуворлиги кафолатланишига эришишимиз лозим. Бу жаҳон ҳамжамиятида, албатта, риоя қилиниши керак бўлган маданий ходиса, оддий ҳақиқат. Ҳақиқат эса умуминсоният учун қадриятдир. Ўз лафзини бажармаган, шартномаларда имзолаган ваъдаларини, белгилаган тадбирларини уддаламаган шахс ёки жамоа барқарор муомалага яроқсиз, яъни ишончсиз, деб баҳоланади ва кейинги сафар у билан ҳамкорлик қилмайдилар.

Худога шукур, мустақиллик шўроча қоғозбозликларга, хайбаракаллачиликка чек қўйди, лекин тарки одат амри маҳол деганларидек, ҳозир ҳам ҳамма муаммони тадбирбозлик билан ҳал қилмоқчи бўлганлар учрайди. Баъзи раҳбарлар ҳамма муаммонинг ечимини мажлисбозликдан излаб, унга сифиниш даражасига етганларини кўриб, ҳа, буни қаердадир кўрганмиз, дейсиз беихтиёр. Ҳеч ким савол бермайдик, хой, барака топкурлар, шу ваъда берилаётган “тадбирлар” бирор одамнинг қорнини тўйдириб ёки унинг бирор мушкулини осон қила оладими? “Тадбир”, дегани ўзи ижро қилинган ишми ёки ижродан қочиб, қутулиб қолиш йўлими? Бу борада соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Тузуқлари”да шундай битиклар бор: “Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим”¹².

Кўриняптики, “ишни кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллан”ган, яъни тадбир ишни ижро қилишнинг воситаси сифатида қайд этилган. Шукрки, Мустақиллик йилларида белгиланган тадбирлар ва дастурлар ижросини назорат қилиш механизми яратилди. Айниқса ҳар йили Президентимиз томонидан йилларга берилаётган номлар бўйича белгиланган давлат дастурлари ижросини назорат қилишда бой тажриба тўпланди. Бу синалган ва ўзини амалда оқлаган яхши механизмдир. Ундан давлат ва нодавлат ташкилотлари самарали фойдаланишлари мумкин. Баъзи бир расмий ҳужжатлар мониторинги ва бажарилишини назорат қилишда диққатга сазовор назорат механизмлари юзага келмоқда.

Миллий менталитетимиздаги жўмардлик, ваъдага вафо, тадбиркорлик, жамиятнинг камдаромадли табақаси вакилларига хомийлик қилиш ҳозирги даврдаги тадбиркорларимиз, ишбилармонларимизнинг зиммаларидаги бурч баробаридадир. Жўмардлик масъулияти, мустақиллик туфайли қўлга киритилган мулкдорлик ҳуқуқи ва унинг реал натижалари уларнинг ҳар бирини ана шу юкларни кўтариш ҳамда жамият фаровонлигини таъминлашга сафарбар этиши лозим. Тадбиркорликка йўл очилгани туфайли катта ва кичик корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларни бошқариш масъулияти зиммаларига

¹² Темур тузуқлари. Ғ. Ғулом номли нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.: 1991. Б.16.

юкланган ҳамюртларимизнинг ҳаммасини ҳам ҳали бошқариш маданиятини тўла эгаллаб олган кадрлар, деб айтиш қийин. Мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлиш ҳали фуқаролик жамияти талабларини чуқур билиб олган, фаол инсоний позицияда турадиган маданиятли киши, дегани эмас. Уларнинг орасидан жамият талабларини ва фуқаролар эҳтиёжларини чуқур англайдиган, сиёсий маданиятли, ўз ваъдасига ва лафзига садоқатли кадрлар етишиб чиқиши лозим. Фуқаролик жамияти талабларига муносиб ана шундай ишбилармонлар табақасини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ижтимоий эҳтиёжга айланиб бораётир. Шулардан кўпчиликни қишлоқдаги ҳаёт-мамотни ҳал этаётган фермерлар ташкил этади.

Демак улардан лафзи ҳалоллик, халқ фавровонлиги учун фидойилик талаб этилади. Мамлакати тақдирини ўз тақдири деб биладиган, бугун кечагидан ва эртага бугунгидан кўра самаралироқ меҳнат қилишга ўзини масъул ҳис этадиган жўмардлар олдинга чиқадиган, муаммоларни ечишга ўзини сафарбар қиладиган давр бугун. Шундай кишиларни мустақиллик тарбияламоқда ва олға чиқишига имкон яратмоқда, шундай жўмардларни топиш ва имкониятларини намоёниш этишга шароит яратиб бериш керак.

УЧҚУР ОТДИР ЙИГИТНИНГ ОРИ

Анъаналаримизнинг халқчиллик, ибратлилик, одамларни бир-бирларига яқинлаштирувчилик сифатларини бойитиш учун нималар қилиш керак? Оммавий тадбирлар, сайиллар кўпқари ва халқ ўйинларини ташкил этишда ортиқча даҳмазалар ўйлаб чиқилмаяптими, анъанавийликдан узоқлашиб кетилмаяптими? Миллий менталитетимизга хос ва ҳозирги тараққиётимизга мос тадбирлар ташкил бўлаётганда ана шу саволлар беихтиёр тилга келади. Баъзан ташкилотчилар ҳис-ҳаяжон қанотида тадбирларнинг тантанаворлигига кўпроқ эътибор қаратадилар. Халқчиллик, камтарлик ва ихчамлик эсдан чиқади. Қуйидаги ҳикоямиз минг йиллардан бери халқимиз қадрияти бўлиб келаётган кўпқарида урф-одатларимиз, анъаналаримизнинг намоён бўлиши ҳақида.

Миллий қадриятларимиз товланишини баъзан ўзимиз билавермаймиз. Улар доимо бўлгандай ва бўлиши табиийдай туюлади. Аслида кундалик ҳаётимизда бугун юз бераётган, кўзимиз ўрганиб қолган воқеаларнинг қарор топиши, тикланиши, ўзига йўл очиши осон бўлмадику. Яқинда, чўл туманларидан бирида ташкил қилинган кўпқарида қатнашдик. Ҳозир бу миллий спорт мусобақаси республикаимизнинг деярли барча минтақаларида бўлаётир ва унга одатий ҳол деб қараймиз. Ана шу тикланган ва тобора кенг қулоч ёзиб бораётган кўпқарида ҳам миллий менталитетимизга хос ва мос кўплаб удумларимизни кўриш мумкин.

Кўпқари бўладиган жойни махсус тўй комиссияси бир неча кун аввал бориб кўрган, марралар белгиланган, мукофотлар, яъни солимлар чамаланган ва ҳакамлик қиладиган одил полвон-чавандоз ҳам аниқланган, унга хабар берилган ва у маслаҳатда иштирок этган. Кўпқари Ихлос отанинг набирасига ақиқа тўй муносабати билан экан. Жарчи қишлоқни эрта тонгда Ихлос отанинг хонадонига эл ошига чорлади, ёш-яланг, каттаю-кичик бир пиёла чой устида ўтганларнинг руҳлари шод бўлиши, замона тинчлиги ва деҳқончиликнинг қут-барақасини оллоҳдан тилаб дуо қилдилар. Отанинг кампири Мопар она бир ёшга тўлган набирасини элнинг улуғлари ҳузурига олиб чиқди. Ёши 82 дан ошган Норбек отага қайчи ушлатди. Ота узундан узун дуо қилиб шу гўдак тинчлик–хотиржамликка хизмат қиладиган, аждодларига муносиб йигит бўлсин, дея унинг сочига қайчи урди. Шундан сўнг навбат кўпқари учун тайёрлаб қўйилган улоқни полвон-чавандозларга беришга келди. Кексалар кўпқарининг бешикаст, тинч-омон ўтишини тилаб дуо қилдилар.

Полвонлар улоқни олиб кўпқари бўладиган майдонга от солиб кетдилар. Мусабақа ўтказиладиган майдон - бедазор қалин қор билан қопланган, у ерда ёш чавандозлар ўз тойларини миниб айланиб юришибди. Йигирма чокли йигитлар майдоннинг икки томонига қўйилган марралар узра отларини чоптирар, кичикроқ бир улоқни ўзаро тортишар эдилар. Уларни кузатган одам кўпқари бошланиб кетибди-да, деб ўйларди.

Ҳали кўпқари бошланмаган, асосий отлар энди келишаётган, келганларининг эса эгар-жабдуқлари тартибга келтириляётган эди. Усти брезент билан ёпилган юк автомашиналари майдонга бирин-кетин етиб кела бошлади. Уларнинг ҳар бирдан 5-6 тадан отлар туширилди ва бу ерга аввалроқ етиб келган ўз полвонларига топширилди.

Отни миниб майдоннинг гоҳ у, гоҳ бу томонига бориб келяётган қария ёш полвонларнинг ғайратидан завқланади ва уларга нималардир деб гапиради. Кўпқарига ёприлиб келяётган мухлислар ичида танишларини кўрган кекса полвон майдондаги ёш чавандозларни кўрсатиб:

-Булар бўлажак чавандозлар,- дейди.-Улар ўзларини ва отларини синаб кўриш учун машқ қилишяпти. Кўпқарининг таомили шунақа-да.

Ёш полвонлар тойларнинг кўзини пишитиш, маррани илғаб олиш кўникмасини ҳосил қилиш учун машққа зўр беришаётганди. Эл оғзига тушган чавандозлар шулар ичидан чиқади-да. От изини той босар, деган мақол халқимизда бекорга айтилмаган. Бундан 3-4 йил илгари ҳозирги номдор чавандозлар ҳам мана шундай тортишишларда пишган. Трактор тиркамаларидан иккитасини бирлаштириб ҳакамлар ва кекса, фахрий меҳмонлар учун жой ҳозирланди, овоз кучайтиргич ўрнатилди, шу билан тайёргарлик тугади. Майдондаги ҳакам полвонларни - чопадиганларни ҳам, чопмайдиганларни ҳам минбар олдига чорлади. Фуқаролар йиғини ва маҳалла раислари, тумандан, вилоятдан келганлар ўзаро маслаҳатлашиб олдилар. Кўпқари тартиби, полвонларга қўйилган талаблар эълон қилинди. Мукофот - солим улар кимлар томонидан қўйилаётгани ҳам овоз кучайтиргич орқали элга эълон қилинди, меҳнат фахрийси, чўлда меҳнат қилиб 8 нафар фарзандни вояга етказган Ихлос отанинг кимлиги ҳақида ҳам йиғилганлар маълумотга эга бўлдилар.

Отанинг ўзи ва фермер бўлиб ишлаётган уч нафар фарзандлари пешона тери билан топган маблағларини ақиқа тўйга мукофот қилиб қўйибди. Рўйхатдагилар – отанинг яқинлари қўйган мукофотлар эълон қилинганч, майдонга тўпланган чавандозлар ўртасидан ҳам ўнга яқинлари минбарга келишиб ўз солимларини - мукофотларини қўйдилар. Бу ҳақда ҳам майдонга хабар бериб турилибди. Танимайдиган, кўпқарига меҳмон бўлиб келганлардан ҳам тўй эгасига, қолаверса, кўпқарига шундай эътибор, албатта миллий қадриятларимиздан бири. Миллий удумларимизнинг ана шундай жилолари ҳар биримизни ғурур ва фахр туйғуларига буркайди-да, албатта.

Майин ёғаётган қор, майдонга тинимсиз келяётган каттаю-кичик ишқибозлар кўпқарининг қизиқарли бўлишидан дарак берар эди. Маҳалла оқсоқоли томошабинларни хавфсизроқ жойга чорлайди, той минган ёш-ялангларни эҳтиёт бўлишга чақиради. Майдонга кириб келяётган меҳмонлар – чавандозлар овоз кучайтиргич орқали эълон қилиб турилибди. Улар сафида кўшни Қозоғистон, Тожикистон ва қатор вилоятлардан келган чавандозлар ҳам борлиги эълон қилинди. Минбардан жой олган кексалар кўпқарини бошлашга дуои-фотиҳа бердилар. Улоқни 85 ёшли меҳнат фахрийси кекса чавандоз Аҳад полвонга тутқаздилар. Отида омонатдай ўтирган кекса чавандознинг қўлига

улоқ тушгандан кейинги ҳолатини кўрсангиз эди! Мана буни руҳланиш, ғурурланиш деса бўлади, олтмиш килограммдан кам бўлмаган улоқ кўлига теккач, кекса полвон от устида бирров мувозанатини йўқотгандай бўлди-ю, лекин унинг отига жиловдор бўлиб келаётган полвоннинг ғайрати отага далда бўлдим, ишқилиб, унинг оти тўдани чакмоқдек ёриб чиқиб кетди.

Фахрий чавондозга бир-икки полвонлар от қўшган бўлишди, лекин у билан улоқни талашиб юрмадилар. Кекса полвон улоқни маррага ҳалол қилиб етказиб ташлади, майдон узра олқишлар, қарсақлар янгради, “офарин, полвон!” деган сўзлар қулоққа баралла чалинди. Майдонда от суриб тартиб ўрнатиб юрган ҳакам-чавондоз ғолибнинг кўлига солим паттасини берди, кекса полвон от жиловини қўйиб юборди ва қўлларини кўтарганча минбарга отини елдириб етиб келди. Аҳад полвон шу онда ўзининг 35-40 йил илгари от суриб юрган авжи йигитлик кезларини ҳис этаётган бўлса ажаб эмас.

Ота ўз мукофотини минбардаги мухлислар олқишлари остида солим қилиб тикиб юборди. Бу ҳам мард чавондозларнинг, ёвқур аждодларимизнинг асл одатларидан, полвонлик ғурурига хос удумлардан. Кўпқарида полвон учун солимнинг катта ёки кичиклиги муҳим эмас, балки унинг ўз орияти, элдаги номи, отининг назарга тушиши муҳим.

Тиркамалар устидаги ўриндиқлардан жой олган кексаю-ёш майдонда бўлаётган полвонлар тортишувига завқ билан тикилишар, даврадан узилиб чиқиб маррага етган отлар, чавондозлар ҳақида турли-туман баҳс-мунозара юритар эдилар. Ҳис-ҳаяжонини жиловлай олмаган баъзи ишқибозлар эса овозларини баралла қўйиб полвонларга нималарнидир айтишар, лекин уларнинг овозларини ҳеч ким эшитмас, очиғи эшитишга фурсатлари ҳам йўқ эди. Беш юзга яқин тулпор билан майдонга от солаётган полвонлардан ва отлардан кўтарилаётган буғ майдон тепасида булут ҳосил қилганди. Шунга қарамай ёш-яланглар полвонларга қарата бир нималар деб бақирар ва ўзларини шундай қизиқарли томоша иштирокчиси эканликларидан чексиз завқланишарди.

Ана шундай кўп одам тўпланган оммавий тадбирда қатнаша туриб уни ташкил қиладиганлар масъулияти ҳақида ўйлаб қолдим. Мана, маҳалла оқсоқоли ва қишлоқдаги катта-кичик тадбирларга мутасаддилар миллий удумларимизга риоя қилган ҳолда шу кўпқарини ташкил қилибдилар, бу эса қатнашчиларнинг ҳавасини келтирди. Қатнашган ёшу-қари, эркагу-аёл бундан хурсанд бўлди. Биринчи бор тадбирда қатнашаётган ёшлар ана шу кўҳна ва айна пайтда навқирон ўйинимиз – кўпқарининг ўзида кўплаб ўлмас урф-одатларимиз ва удумларимиз намоишини кўрдилар. Очиғи, кўриб кетдилар ва уйларига, ҳамкасбларига бориб ўзларининг диққатини тортган нарсалар ҳақида айтиб берганлари шубҳасиз.

Кўпқари эса қизигандан қизиди. Номдор полвонлар 2-3 мартадан маррани забт этдилар, баъзилари эса ўзларига насиб қилган солим-мукофотни кексалар ва той миниб майдонни айланиб юрган ёш полвонлар билан баҳам кўрардилар. Бу ҳам кўпқарининг соф миллийлигини, удумларимизнинг ўта халқчиллигини ва анъаналаримизнинг давомийлик ҳамда меросийлик асосига қурилганини

кўрсатадиган кирралари эди. Майдон фақат мардники ва адолатли курашадиганники, бунда олийжаноблар от суриши мумкинлигини унга қатнашаётганлар бутун вужудлари билан сезиб турар эдилар.

От боқилган хонадонга барака айланади, дейишган қадимда. От ва йигит ҳақида дostonларимизда кўплаб ибратли ривоятлар келтирилган. Мустақилликкача бўлган даврда ҳатто хайвонларга ҳам қирон келтирилди, уй хайвонларини кўпайтирмаслик, баъзи бир турларини эса қириб ташлашга ҳам кўрсатмалар берилгани, марказдан туриб қарорлар қабул қилинганини кекса авлод вакиллари яхши эшлашади. Ўша пайтларда отларнинг наслига ҳам қирон келди. Наслни тиклаш эса осон иш эмас. Шунинг учун синчи, от насл-насабини биладиган кексалар, уни аниқлай оладиганлар элда доимо эъзозда бўлиб келган. Биз гувоҳи бўлган кўпқарида ҳам ана шундай кексалардан бир нечтаси қатнашаётган экан. Турли минтақалардан келган полвонлар, от ишқибозлари уларни ўртага олишиб ўз хоназотлари ҳақида фикр сўрадилар, уларни ўз қишлоқ ва овулларига меҳмонга чорладилар, бўлажак кўпқари маросимлари ҳақида хабарлар бердилар.

Отлар насли ҳақида фикр билдириш қанчалик қийинлигини тасаввур қилаверинг. Аждодларимизда отнинг дупурига қараб нечта отлиқ келаётганини, улар қандай тулпор эканлигини кўрмасдан туриб биладиган синчилар бўлган, дейишади. Афсуски, ҳозир бундай назаркарда баҳо берувчи кексалар камайиб кетди. От спортига айниқса кўпқарига эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин тиклана бошлади, лекин от наслчилиги ҳақида маълумотлар ҳозирча етарли эмас. Матубуотда ҳам отлар ва уларнинг наслчилиги ҳақида кам чиқишлар қилинади.

Кўпқарини от спорти турига киритиш унинг азалий ва абадий аҳамиятини чеклагандек туюлади, чунки кураш, кўпқари, пойга ва ҳоказо халқ ўйинлари миллатимизнинг асл қиёфасини белгиловчи анъаналар сирасига киради. Кўпқарида майдонга чиққан полвонлар от спортида кўзга кўринавермайдилар, десак ишонаверинг. Кўпқарини от спорти десак, унинг мазмун-моҳияти чекланиб қолгандек бўлади. Кўпқарига эътибор берилган жойларда у ривож топиб бораётир, албатта. Бугунги кунда махсус от спорти ва кўпқари учун махсус майдонлар қурилган. Бундай майдонлар унчалик кўп эмас. Аслида ёшларни от спортига қизиқтириш зарур. От спорти федерациялари жойларда ўтказилаётган оммавий кўпқарилар ташкилотчилари билан яқинлашишлари керак. Полвонлар кўпинча катта кўпқариларни ўзлари ташаббус қилиб ташкил этадилар. Уларга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қўшилса яхшикуя, лекин амалда кўп ҳолларда ундай бўлавермайди. Полвонларнинг бирор уюшмасиними ёки федерациясиними ташкил этиш, кўпқарини бешикаст, тинч-омон ўтказиш бўйича сценарийлар яратиш вақти келмадимикан? Ундаги яхши тажрибаларни, миллий менталитетимизга хос жиҳатларини ёрқинроқ кўрсатишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Биз қатнашаётган кўпқари эгалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларидан от спорти федерацияси ҳақида сўраганимизда улар бу ҳақда билмасликларини айтишди.

Албатта, бу билан нуфузли федерация мутасаддилари ҳақида бирор салбий фикрлар билдиришдан йироқмиз, лекин қишлоқларимизда кўпқарилар баъзан бетартиб ўтаётир. Полвонлар ўртасида арзимаган масалаларда баъзан тарафкашликлар бўлиб туришини ишқибозлар гапириб бердилар. Шундай экан кўпқарининг асл мардлар тортишадиган майдон эканлигини унутмаган холда, унда аксарият кўпчилик қатнашиши ҳеч биримизни бепарво қолдирмаслигини таъкидлашни истар эдик.

Зеро, оммавий ўйинлар, одамлар тўпланиши билан боғлиқ тадбирлар ёш авлодда мардлик, ҳалоллик, иродани шакллантириш воситасидир.

Одам савдоси: муаммо ва ечим

XX аср охири ва XX1 асрнинг бошларига хос бўлган глобализация мамлакатлар ўртасида ишчилар айрибошлаш жараёнини ҳам мисли кўрилмаган тарзда тезлаштириб юборди. Мустақилликка эришган ва ривожланиш йўлига кирган мамлакатларда ишчиларни иш билан таъминлаш муаммосининг кучайиши, юксак ривожланган мамлакатларда туғилишнинг табиий пасайиши натижасида иш ўринларининг кўпайиши ишчилар миграциясини юзага келтирди. Даромадли иш тополмаган ишчилар ўз кучларини сотиш мақсадида мамлакатма - мамлакат кўчиб юра бошлади ва бу жараённинг шакл-шамойили, мазмун-моҳияти кенгайиб, жадаллашиб бормокда. Натижада ишчилар миграцияси жараёнини бошқариш мураккаблашди ва уларнинг хорижга чиқиши ва кириши бобидаги истакларини суистеъмол қиладиган, уни сотадиган ва сотиб оладиган очик ва ёпиқ бозорлар вужудга келди.

Одам савдосининг қачон таомилга киргани ҳақида аниқ илмий асосланган сана йўқ. Шунини очик айтиш керакки, масалан, қулдорлик тузумида қул савдоси бор эди, ғолиблар мағлубларни қул қилиб сотар эди. Демак одамни сотиш ва сотиб олишни мулкчилик пайдо бўлган вақтдан бошланган десак, хато бўлмайди. XX1 асрга келиб ана шу кўхна бозор “одам савдоси” номи билан ҳаётимизга қайта кириб келди. Одам савдоси босиб олинган давлатлар фуқароларини қул қилиш ва уни сотиб юбориш шаклида бўлган бўлса, ўтган асрнинг охирларида болаларни ўғирлаш ва сотиш, улардан донор сифатида ёки бирор аъзоларидан фойдаланиш тарзида, мазмун-моҳияти кенгайган ҳолда намоён бўлди.

90-йиллар бошларида одам савдоси мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларига ҳам ёйила бошлади. Ўша йилларда кўшни мамлакатлардан ниҳоятда кўп зиёли, кўлидан иш келадиган мутахассис – кадрлар узоқ хорижга иш излаб, макон излаб чиқиб кетишди ва ўз меҳнатини сотишди. Бундай ҳол Ўзбекистондан ташқари барча собиқ шўро республикаларида юз берди. Бизда бозор иқтисодиётига шок терапияси билан эмас, балки босқичма-босқич ўтиш тамойили Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган эди. Давлат ислохотчи сифатида майдонга чиқди. Мулкчилик шаклининг ўзгариши ва яшаш учун ҳар бир кишининг ўзи бевосита ҳаракат қилиши лозимлиги авваллари ишласа-ишламаса иш ҳақи олишга ўрганиб қолган, ўз ҳаётини ўзгартиришни ҳаёлига ҳам келтирмаган коммунистик жамият дангасалиги асоратлари одамларни маълум вақт эсанкиратиб қўйди. Давлат корхоналарининг тугатилиши ва хусусийлаштирилиши эса маълум миқдордаги ишчиларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлди. Натижада уларни иш билан таъминлашда муаммолар юзага келди. Бу борадаги талаб ва таклифнинг номуносивилиги шўро асоратидан қутулган барча мамлакатларда бор. Бу эса ишчилар миграцияси соҳасидаги суистеъмолларни келтириб чиқаряпти.

Республикаимиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “одам савдоси” термини биринчи маротаба 1994 йилда қабул қилинган жиноят кодексида қайд этилди ва бундай қилмиш учун Кодекснинг 135-моддасида “шахснинг

озодлиги, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олиш” белгиланди. Ҳозир шу модда такомиллаштирилди ва у одам савдоси жиноятини малакалашда қўлланилмоқда.

Глобаллашув формациялар, мамлакатлар ўртасидаги чегараларни тўфондек бузиб, одам савдосининг янада кучайишига шароит яратмоқда. Глобаллашувнинг ижобий томони билан бирга, унинг юқоридагидек, хавфли томонини ҳам олимлар очик айтмоқдалар. Бу айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарларга тўла истикболларни ваъда қилмоқда.

Бугунги одам савдоси инсоннинг нафақат жисмоний кучини, балки унинг салоҳиятини, танасидаги аъзоларини, ҳаттоки маънавий қадриятларини ҳам бозорга солишга мажбур этмоқда. XX1 аср инсонга ана шундай бераҳмлиги ва ашаддийлиги билан бошқа замонлардан фарқ қилиб турибди. Инсоният салоҳияти юксалган сайин унинг ўз-ўзини, қавмини эксплуатация қилиши ва сотиши ҳам кенгайиб, чуқурлашиб ҳамда мураккаблашиб кетмоқда. Одам товарга айланмоқда.

Ёлланиб меҳнат қилаётган одамни ўз тақдири маънавий ва моддий жихатдан қониқтирса, буни одам савдоси, деб бўлмайди. Аслида иккитомонлама меҳнат шартномаси шундай тузилади. Истаймизми йўқми, биз иш берувчига ўз меҳнатимизни таклиф қиламиз ва иш берувчи бизни ишга ёллаш билан ўз буюртмасини амалга оширади. Лекин сизнинг меҳнатингизни буюртмачи учинчи шахс орқали ҳал эта бошласа, учинчи одам сизни ёллаш ишига ўзининг муайян улушини, манфаатини қўшиб иш қила бошласа, бу ерда одам савдоси пайдо бўлади. Ишчилар миграцияси туфайли пайдо бўлган ана шу ишчи бозорида иш берувчилар билан ишга жойлашувчилар, иш изловчилар ўртасида учинчи кишилар, воситачилар, даллоллар пайдо бўлмоқда. Улар пайдо бўлган ана шу одам савдоси бозорида ўз қўлларини “ҳолис хизмат” натижасида “иситмоқдалар”, яъни одамнинг мавжуд имкониятларидан унга боғлиқ бўлмаган тарзда, моддий манфаат кўриш учун ғаразли мақсадларда фойдаланиш, унинг иқтидори, салоҳияти, билим ва тажрибасини инкор этган ҳолда уни меҳнат куролига айлантиришга қаратилган хатти-ҳаракат одам савдосига сабаб бўлаётир.

Меҳнат одилонга баҳоланмаган жойда одам ва унинг меҳнатида ноконуний фойдаланиш юз беради. Одам савдоси унинг ўз меҳнатида харидор топа олмагани ёки унинг меҳнатида эҳтиёжнинг йўқлиги билан боғлиқ. Ишсизларни сотиш ва сотиб олиш нисбатан жўн ва ўнғай, эртанги кунга ишончи бўлмаган, қўлида барқарор ҳунари йўқ кишилар кўпинча одам савдоси курбони бўладилар. Аввало ишчи кучини экспорт қилиш шаклида бошланган одам савдоси энди кўпроқ уларнинг танасини сотиш, жисмоний имкониятларидан турли мақсадларда фойдаланиш тарзида давом этмоқда. Секс-трафик, фохишабозлик, шу мақсадда хотин-қизларни экспорт қилиш кейинги вақтда интенсив суръат олди. Ҳозирги даврда одам савдосининг ярмидан кўпини секс-трафик ташкил этади.

Дунё бўйича турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабр кўрганлар салкам 200 миллионга етган, деб қайд қилинмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда ўртача 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили қарийб 1 миллионгача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб сотиб юборилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилда Республикамизда мингдан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган. Уларнинг 35-40 фоизини аёллар, 10-15 фоизини болалар ташкил этган. Кузатишлар ва таҳлиллар мамлакатимиз фуқароларини фоҳишалик билан шуғуллантириш учун асосан (БАА) Бирлашган Араб амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста Рика давлатларига, мажбурий хизмат ёки хизмат кўрсатиш учун эса Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётганини кўрсатмоқда. 2003 йилда канадалик журналист ва шу муаммо тадқиқотчиси Виктор Маларек «Наташалар сотилади. Янги глобал аёллар савдоси» деган китобини чоп этди. “Бугун одамлар савдоси, деб ёзади муаллиф, яширин қуроллар ва наркотик моддалар сотишдан кейин учинчи ўринда турадиган даромадли бизнесга айланган. БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, у жинсий гуруҳларга йилига 12 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда келтирмоқда”. Маълумотларга кўра, бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги республикалардан ҳар йили 180-200 минг хотин-қиз “ишлаб келиш” баҳонасида чет элларга боради. Санкт-Петербургнинг ўзида турли республикалардан келган салкам 200 минг хотин-қиз тунги клубларда “хизмат кўрсатади”.

Секс-трафик ўтган асрнинг 70-йилларида Жанубий-шарқий Осиёлик /тайландлик ва филиппинлик/ аёлларнинг Европа ва АҚШга оммавий кўчиши билан бошлаб берилган эди, 80-йилларда уларнинг сафига Гана ва Нигериялик, кейинроқ Лотин Америка /Колумбия, Бразилия, Доминикан/лик аёллар ҳам қўшилдилар. Секс-трафик ҳозирги пайтга келиб ҳақиқий глобал муаммога айланди. АҚШ ва Европа фоҳиша бозорларига аввал Венгрия, Чехия ва Польша, кейин Украина, Молдова, Россия, Белоруссия, Руминия, Грузия ва Болгария хотин-қизлари қатнаша бошлаган бўлсалар, 90-йиллар охирида ушбу бозорни Арманистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларидан келган хотин-қизлар тўлдириб юборди. Ҳозир дунёнинг барча мамлакатларида расмий ё норасмий бўлсин, одам савдоси, шу жумладан, фоҳиша бозорлари бор.

Албатта, одам савдосининг асосий сабаби - ишсизлик. Ана шу ишсизлик туфайли дунёда тобора ноқонуний мигрантлар сони ортиб бормоқда. 2005 йил маълумотларини қаранг: Мигрантлар сони АҚШда – 38 миллиондан кўп экан. Россияда 12,3, Германияда 10, 1, С. Арабистонида 6,5, Канадада 6,5, Ҳиндистонда 6,0 Б. Британияда 5,5, Испанияда 5 ва Австралияда салкам 5 миллион мигрантлар бор экан. Ваҳоланки, 2004 йилда Россияда 7 миллион мигрант бўлган эди. Европа иттифоқи мамлакатларида эса эркин миграцияга рухсат берилган ва у мамлакатларда ишчилар бемалол ҳаракатланиб юрадилар. Ноқонуний миграция эса бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан,

паспорт тизими бузилади, ёшларнинг турли оқимларга аъзо бўлиб кетишларига эркин йўл очилади, ёш оилаларнинг бузилиб кетишига сабаб бўлади, ҳуқуқни химоя қилиш органлари ишини мураккаблаштиради ҳамда мигрантлар кўп бўлган мамлакатда криминоген ҳолатини юзага келтиради.

Ишсизлик туфайли эркак ва аёлларнинг маълум қисми мўмай даромад ваъда қилинган жойларга баъзан қонуний, кўпинча ноқонуний йўллар билан чиқиб кетмоқдалар. Боргач, айтилган гапларга мутлақо тескари ҳолатга дуч келмоқдалар. Ҳозир муайян бир табақа вужудга келдики, улар хорижда ишлаб келишга интилувчилар ва ишлаб келганлар. Бундай ҳолни кўпгина мамлакатлар бошидан ўтказган. Масалан, ўтган асрда Туркиядаги ишсизлар ғарбга, айниқса Германияга ва бошқа давлатларга оммавий равишда иш излаб борган эдилар. Ҳозир Германияда 2 миллиондан ортиқ турклар шу мамлакат фуқаролигини қабул қилиб яшамокда.

Қонуний йўл билан хорижга кетган мигрантлар ўз юрти валюта захирасига муайян даражада фойда келтириши мумкин. 2002 йил ривожланаётган мамлакатлардан чиққан мигрантлар ўз юртларига дунё бўйича 90 миллиард доллар пул жўнатишган. Шу билан бирга, баъзан хорижга малакали ишчилар ҳам чиқиб кетаётир. Демак меҳнат миграцияси зиддиятли, ечимталаб бўлган муаммодир.

Одам ҳақсизлиги масаласи 1948 йил 10 декабрда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларацияси”да белгилаб қўйилган эди. Жумладан, унинг 4-бандида шундай дейилган: “Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қуллар билан савдо қилишлик барча кўринишларда тақиқланади”. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, шу ва бошқа барча халқаро ҳужжатларга қўшилди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси, 2003 йил 12 декабрда эса БМТ томонидан 1950 йилда қабул қилинган “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциялари ратификация қилинди.

Мамлакатимизда 2008 йилнинг 17 апрелида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. 2008 йил 8 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шунга кўра мамлакатимизда 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий режа тасдиқланди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссия ташкил этилди ва 2008 йил 23 июл куни унинг биринчи мажлисида ҳаракат дастурлари белгилаб олинди. Унга давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам киритилди, улар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб боришга келишдилар.

Одам даллоллари ҳақида мониторинг олиб бориш, уларнинг кимлигини аниқлаш борасида ишлар маълум бир тизимга тушиб бораётир.

Республика маъмурий органлари кейинги вақтларда тегишли муассасалар билан ҳамкорликда бундай жиноятлар жараёнини мониторинг қилиш ва муайян қисмини очишда бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Агар 2007 йилда одам савдоси билан боғлиқ 382 та жиноят аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 2,5 баробар ошди ва 891 тага етди, салкам мингга яқин шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди, 700 га яқин шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Уларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади.

Бугунги кунда товламачилар тузоғига тушган ва тақдирларига лаънатлар ўқиган, алданиб қолган жабрдийдалар мисолини республикаимизнинг барча ҳудудларидан келтириш мумкин.

Уларнинг кўпчилигини воситачилар, тўғрироғи одам савдогарлари четга чиқариб кетганлар. Уларнинг ихтиёрий ёки мажбурий чиқиб кетганлигини аниқлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар билан, керак бўлса, ҳар бир хонадон билан учрашувлар ўтказиш лозим. Одам савдоси билан шуғулланиш борасида, унинг олдини олиш бўйича ана шу қуйи звенода ҳали хануз муайян тажриба тўпланганича йўқ, очиғи бу босқич маҳаллий раҳбарлар одам савдосига дучор бўлган фуқаролар ҳақида очик гапиришни ҳозирча истаётганлари йўқ. Элчилик, шуни овоза қилиш керакми, деб, бу ҳолга хусусий бир ҳолат сифатида муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам мавжуд. Одам савдосидан жафо кўрганлар ҳақида овоза қилиш шарт эмасдир, лекин буни уюштираётган ва ташкилотчилик қилаётганларга нисбатан қонуний чора кўриш вақти келди!

Бу билан шуғулланаётган шахслар ўз кирдикорларини яшириш мақсадида унинг қурбонига айланаётган шахсларни имкон қадар эътибордан четда тутишга ҳаракат қиладилар. Хорижга ўз ўлжаларини ноқонуний чиқаришга, ҳужжатларини қалбакилаштириш ва ўзларига моддий ва маънавий жиҳатдан тобе қилиб боғлаб қўйишга интиладилар. Бу эса ноқонуний миграцияга, муайян мамлакатлар ҳудудида ноқонуний фуқароларнинг ортиши ва криминоген ҳолатни вужудга келтиришга сабаб бўлади. Бу “тадбирлар” ташкилотчилари осон йўл билан хорижга чиқмоқчи бўлганларнинг фуқаролик ҳужжатларини чипта олиш, визани қайд этиш баҳоналари билан қўлга киритиб оладилар ва алданганларни доимо назоратда ушлайдилар, давлатнинг тегишли органларига мурожаат қилишларига тўсқинлик қиладилар. Бу жиноятга шерик бўлганлар, алданганлар жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар ошкор бўлишидан қўрқишади, бу ҳақда маъмурий органларга хабар беришмайди. Бу эса у билан шуғулланган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ишини мураккаблаштиради.

Одам савдоси жиноятига жойларда кўпроқ аёллар қўл ураётирлар. Шундай шахсларнинг 40 фойизини аёллар ташкил этмоқда. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингач, республикаимизда бу борадаги муаммоларга қарашни тартибга солиш, унинг қанчалик аянчли эканлигини тан олиш ва унга қарши курашни ташкил этиш имконияти туғилди. Одам савдосини ўтиш даврининг иқтисодий муаммоси, глобаллашувга йўлдош бўлган иллатлардан бири, деб баҳолаш лозим. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги давридагидек, ё бутунлай яхши, ёки мутлақо ёмон, деб эмас,

балки одамларнинг табиатида мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланмаганлиги туфайли юз бераётган иллат, деб қараш керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хорижга иш излаб кетганларнинг республикамизга оммавий қайтиши тенденцияси кўзга ташланмоқда, чунки жаҳон иқтисодий бўҳрони хорижда ишлашни ҳам мураккаблаштираётгани сир эмас. Бизда эса меҳнат қилганлар, тадбиркорлик билан ишини ташкил этганларнинг истиқболи тобора ишончли бўлиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя қилишга интилаётганимиз одам савдосига дучор бўлган фуқароларимизга нисбатан оммавий нафратни эмас, балки ачиниш билан қарашни тақозо этади. Қабул қилинган Қонуннинг 10-моддасида: “одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида уларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик тураржой бериш” каби комплекс тадбирлар белгиланган. 2008 йилда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Кўрилатган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда, фуқароларнинг “қулликка” тушиб қолиш ҳолатлари кескин камайишига олиб келиши шубҳасиз.

Жабрдийдалар ўз фуқароларимиз ва улар тушуниб муносабат билдиришимиздан умидворлар. Уларга эмас, балки ўз фуқароларимиз бўлатуриб ҳамшаҳарини, маҳалладошини хорижга пуллаб бойлик орттираётган кимсаларга жазони қайта кўриб чиқиб, кучайтириш лозимга ўхшайди. Одам савдосини авж одираётганлар сиз билан менинг ёнимизда яшаётган ва шу “бизнес”дан мўмай даромад олаётган, ҳаммамиз биладиган аниқ шахсларку! Ана ўшаларга нисбатан жамоатчилик фикрини ва муносабатини шакллантириш, уларнинг қонун олдидаги масъулиятини ошириш пайти келган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети доценти Гулчехра Маткаримова: “Одам савдосининг томирини қуриштиришга республикамизда қаттиқ киришилгани ижобий хол. Бу ишлар одам шахсини камситишга қаратилмасдан шу вазиятга тушиб қолганларга жабрланганлар, жабрдийдалар сифатида қарашимиз ва жамиятда шу фикрни шакллантиришимиз лозим. Фалончининг қизи хориждан келибди, фохиша бўлибди, дея ўша хонадондан юз ўгириб кетмасдан унга ёрдам қўлимизни ҳам чўзишимиз керак. Қолаверса, қабул қилинган қонунимизни қўллаш механизминини яратиш лозим, аксинча у қоғозда қолиб кетавериши мумкин”, деди у учрашувда. Албатта, бу гапда жон бор. Одам савдосини энди тўла яшириб ҳам, бир кунда тугатиб ҳам бўлмайди. Ишсизликнинг мавжудлиги ва аҳолининг маълум қисми, айниқса ёшлар орасида кам ишлаб кўп даромад топишни истайдиганлар хорижда ишлаб келишни хоҳлайверади.

Хорижга чиқиш бўйича таклифдан кўра талаб кўплиги ҳаммамизга аён. Демак улар албатта, ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишга интилаверади. Ана шундай фуқаролар ва ёшлар эҳтиёжларини босқичма-

босқич қондириб бориш керак, албатта. Мана, хорижга чиқиш кўплаб одамларнинг алданиши ва пешоналари ғурра бўлиши ҳисобига аста-секин қонуний йўлга ўтмоқда, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда, чунки ишчилар миграцияси билан боғлиқ ишлар давлатлар ўртасидаги муносабатларга алоқадор бўлган жиддий муддаодир. Шунинг учун ҳам бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги Қарори фуқароларни хорижга чиқариш ва уларнинг ишларини ташкил этишга қаратилган эди. Шу қарорга асосан бу ишлар Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигига юклатилган. Ушбу агентлик пойтахтда ва вилоятларда фуқаролардан тушаётган аризаларни кўриб чиқиб, уларни хорижга ишга юбориш масалаларини ҳал этмоқда.

Аммо бу йўналишда ҳам муаммолар бор. 2007 йилда агентликда ишлайман, деб товламачилик қилиб юрган катта бир гуруҳ эркак ва аёллар кўлга олиниб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди, товламачилик билан олинган маблағларнинг маълум қисми жабрдийдаларга ундириб берилди. Уларнинг баъзилари агентлик тизимида, лекин кўпчилиги ҳеч қаерда ишламаган ва ўзларини ишчилар миграцияси органларида ишлайдиган қилиб кўрсатган товламачилар бўлганлар. Кўплаб лақма одамлардан уларни хорижга жўнатиш ваъдаси билан катта миқдорда валюта ва сўмларни алдов йўли билан олиб ўзлаштирганлар. Хорижга осон йўл топиб кетиш пайида юрганлар оз эмас. Шунинг учун хорижга жўнатиш ва мамлакатлар билан тузилган шартномаларни бажариш ошқора амалга оширилиши, унга сирли муҳр қўйилмаслиги керак. Ишчилар миграциясига аввало уларнинг хавфсизлигини кафолатлашдан келиб чиқиб ёндошиш лозим. Қолаверса, бу масалани фақат агентлик зиммасига юклаб қўйиш ҳам тўғри бўлмаса керак, чунки хорижга кўпроқ оиласи моддий жиҳатдан тўқис бўлганлар жўнатиляпти, деган эътирозлар ҳам йўқ эмас.

Қабул қилинган қонунда давлат органлари билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари одам савдосига қарши курашни мувофиқлаштириш, уни туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу маънода ўзини ўзи бошқариш органлари бу борада ҳали ўз таъсир доирасини кенгайтира олмаётир. очиқ айтиш лозим. Матбуотда чиқишларда асосан “тўйдан кейинги” аҳвол, яъни суд материаллари ёритилмоқда. Вазият эса фактларни қайд қилибгина қолмасдан, балки одам савдосига олиб келаётган сабабларни, унинг моддий ва маънавий негизларини очиқ беришни тоқозо этмоқда. Ҳозир муаммонинг оқибати ҳақида кўпроқ бонг урилмоқда.

Маҳалла, мавзе, жойлардаги фуқаролар йиғинлари, диний-маърифий ишлар бўйича раислар маслаҳатчилари, милиция посбонлари ва ҳоказо хизматлар қайси хонадондан ким, қай тарзда хорижга жўнаганини ёки қай тарзда қайтганини билмаслиги мумкин эмас. Чунки фуқаролик билан боғлиқ ҳужжатлар айнан ана шу органлар томонидан расмийлаштирилади ҳамда

назорат қилинади. Маҳалла фаолларини бу ҳолдан беҳабар деб бўлмайди. Қонуннинг 8-моддасида ана шу органлар одам савдосига қарши курашда давлат органларига кўмаклашишлари қайд этилган. 14-моддасида эса бу борада халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва унга қарши курашиш белгиланган.

Ҳозир ишчилар миграцияси билан шуғулланадиган агентликда хорижга юборилаётган фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари тушунтирилмоқда. Кўпгина жиноятлар хорижга чиқмоқчи бўлаётганлар ўзларининг оддий ҳуқуқларини билмаслиги туфайли содир бўлмоқда. Ҳатто баъзилар кимларга, қайси ташкилот ва муассасага мурожаат қилишни ҳам билмайди. Жараёни четдан кузатиб турган одам савдосининг олғир “даллоллари” агентликка қатнайвериб хафсаласи пир бўлган харидорни зудлик билан ўзларига оғдириб олмоқдалар. Ана шундай кишилар билан уларнинг фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириш органлари, ички ишлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муассасалари тегишлича иш олиб боришлари керак.

Ҳозирги пайтда одам савдосидан жабр кўрганларга бунга сабабчи бўлган шахслардан моддий ва маънавий зарарларини ҳам ундириб берилмоқда. Дастлабки тергов даврида фуқароларни алдов йўли билан четга олиб бориб сотиш учун хорижга чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва уларни республикамиздаги амалдаги қонунлар, халқаро битимлар, давлатлараро келишувларга мувофиқ олиб келиш ҳамда қонун доирасида чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида “Интерпол”, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ва алоқадор бошқа органлар орқали тегишли сўровномалар киритиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар республикамизда миллатимиз ва мамлкатимиз обрўсига номуносиб бўлган одам савдосига қарши курашни қадамба-қадам, изчил олиб боришни тақозо қилмоқда. Ҳамкорликда, мувофиқлаштириб олиб борилаётган ишлар, одам савдосидек иллатнинг олдини олиш имконини бериши ва унга нисбатан фуқароларимизнинг салбий муносабатини шакллантириши шубҳасиз.

Ёшларнинг маънавий эҳтиёжларидан бири

2008 йилнинг бошларида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адабий ва бадиий тадбирларнинг ёшлар руҳиятига таъсирини аниқлаш бўйича сўров ўтказилди. Бунга Марказнинг жойлардаги таянч масканлари ҳам жалб этилди. Сўров натижалари устида ишлаганимизда қизиқарли ва диққатга сазовор манзаралар аниқланди. Аввало сўровнома ҳақида икки оғиз гап. Талабалар эътиборига 7 та савол ҳавола этилган эди. Саволларга яна 3, 4, 5 тадан иловалар ҳам қўшилган ва уларга жавоблар бериш таклиф этилганди. Масалан, 2-савол шундай қўйилган эди: Ўзингиз қатнашган сўнгги 3 та маънавий-маърифий мавзудаги тадбирни эслай оласизми? Бу саволга талабадан “ҳа” ёки “йўқ”, деб жавоб бериш талаб қилинганди. Кейинги савол эса шунинг давоми сифатида тузилган бўлиб, у: “Агар эслаган бўлсангиз (бу ерда 3 та маънавий-маърифий тадбир назарда тутиляпти) қуйидаги жадвалга маълумотларни ёзиб қўйинг”, деган илтимос билан ифодаланган эди. Тадбир номи, тадбир ўтган жой, унга кетган жами вақт ва тадбирда сўзга чиққанлар ҳақида аниқ маълумотлар бериш назарда тутилганди. Сўровнома асосан 2007 йилда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларни назарда тутгани учун ўша йилга хос ва мос бўлган оммавий тадбирлар ҳам талабалар эътиборидан четда қолмаганлиги маълум бўлди. Масалан, Мустақилликнинг 16 йиллиги, Конституциянинг 15 йиллиги ва Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларда талабаларнинг иштироки албатта юқори бўлган, чунки бундай тадбирлар нафақат бирор ўқув юрти, балки мамлакатимиз миқёсида олганда ҳам катта сиёсий тадбирлардир, уларнинг ҳар бир фуқаро дунёқарашидаги роли бениҳоя катта ва муҳим.

Бизни қизиқтираётган муаммо талабаларнинг бадиий дидини, маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантиришда санъат ва адабиётнинг ролини аниқлаш бўлгани учун шу нарсаларга кўпроқ эътибор қаратдик. Мана, Андижон Давлат университетида ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар сони сўров ўтказилган йилнинг кейинги уч ой мобайнида 49 маротаба бўлгани кўрсатилибди. Ёки сўровнома тарқатилган юз нафар талабанинг ҳар иккинчиси бундай бадиий учрашувда иштирок этган. Худди шундай учрашувлар Андижон кишлоқ хўжалик институтида 36 нафар талабаларнинг ёдида қолган, чет тиллар институтида эса фақатгина 4 нафар талабалар ёзувчи ва шоирлар билан учрашганларини эслаб қолганлар. Андижон тиббиёт ва муҳандислик иқтисодиёт институтларида таълим олаётган талабалар билан шундай учрашувлар ўтказилганлиги қайд этилмаган. Лекин концертга тушишда университет талабаларидан 70 нафари, муҳандислик иқтисодиёт институтидан 30 нафар ва кишлоқ хўжалик институтидан 35 нафар талабалар ушбу тадбирни яхши эслаб қолганлар. Андижон шаҳридаги сўровнома билан қамраб олинган бешта олий ўқув юртининг 500 нафар юқори курс талабаларининг аксарияти улар сафарбар қилинган оммавий тадбирларда юксак фаоллик билан қатнашгани маълум бўляпти. Булардан кейинги ўринларда эса СПИД ва

ОИТИСга қарши қаратилган суҳбатларда (232 нафар), концертларда (135) ва диний ақидапарастликка қарши қаратилган суҳбат ва учрашувларда (189) қатнашганлиги маълум бўлди. Мисол келтирилаётган охириги тадбирда ҳам университет етакчилиқ қилганини, бу ерда ана шу мавзудаги учрашувларни жонли ва қизиқарли қилиб ўтказишга алоҳида эътибор берилганлигини кузатамиз. Хориж тиллар институтида эса ушбу мавзуда бирорта ҳам учрашув ўтказилмагани, тўғрироғи бирорта ҳам талаба шундай учрашувда қатнашмагани ажаблантиради кишини.

Беш юз нафар талабалардан салкам икки юз нафари уларда ақидапарастликка қарши ташкил этилган тадбирнинг эсларида қолганлиги ҳақида сўровномага жавоб беришлари ёмон натижа эмас. Шу билан бирга, талабалардан тадбирларнинг уларга ёққан ёки ёқмаганлигини билиш мақсадида кўйилган саволга ҳам улар аниқ жавоб берганлар. Масалан, Андижон Давлат университетининг юз нафар талабаларидан 14 нафари ўтказилаётган тадбирлар ёқмаслигини кўрсатганлар. Ёқмаслигининг сабабларини эса мажлис ва учрашувларнинг бир хилда зерикарли, керагидан ортиқча дидактик эканлиги билан боғлаганлар. Муҳандислик ва иқтисодиёт институти талабаларидан 10 нафари шундай тадбирларни доимо ҳаммага маълум бир киши, масалан, маънавият бўйича проректор ёки бўлим бошлиғи ўтказиши талабаларни зериктираётганини, ундан кўра тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга кўпроқ ёшларнинг ўзларини, камолотчиларни сафарбар этган дурустлигини қайд этганлар. Тадбирларни ёқтирмаганлар Андижон олий ўқув юртлари бўйича 6,6 фоизни ташкил қилган бўлса, Самарқанд шаҳри олий ўқув юртларида энг кам, яъни 1, 4 фоизни ташкил этган.

Самарқандда шоир ва ёзувчилар билан учрашувларда қатнашган талабалар жами сўралган 700 нафар талабаларнинг 1,9 фоизини, концертларда ва бадиий кечаларда бўлиб эслаб қолганлар 5,9 фоизни ташкил этганлиги маълум бўлди. Мамлакатимизнинг энг кўркам тарихий гўшаси ҳисобланган, бутун дунё сайёҳларининг севган очик музей шаҳри бўлган Самарқанд талабалари ўртасида ўтказилган сўровда парадокс бир ҳолат кўзга ташланди. Маълумки, бу шаҳар дунёдаги нуфузли “Шарқ тароналари” кўрик-танловининг пойтахти ҳисобланади. Демак ушбу тарихий обидалар маскани талабалари бу нуфузли очик концертда жон деб қатнашишлари керак эди, лекин афсуски, уларнинг сўровномага жавобларида ана шу ҳолат деярли қайд этилмаган.

Бу жаҳоншумул тадбирни Самарқанд Давлат университетининг 4 нафаргина ва Архитектура-қурилиш институтининг 17 нафар талабаси томоша қилган холос. Жами самарқандлик талабаларнинг 1,1 фоизигина шу очик концертда иштирок этишган ва бу уларнинг хотираларида сақланиб қолган.

Андижон ва Самарқанд шаҳарлари талабаларининг маънавий-маърифий тадбирларга нисбатан муносабатларида умумийлик ва баъзан хусусийлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Умумийлик шундаки, ҳар икки вилоят марказларидаги олий ўқув юртлари талабаларининг йилнинг ижтимоий-сиёсий тадбирлари ҳисобланган оммавий тадбирлардаги иштироклари бир-бирига асосан мос келади. Хусусий томони шундаки, масалан, Андижонда

талабаликка бағишлов тадбирида қатнашганлар 61 нафарни ёки жами сўралганларнинг 0,8 фоизини ташкил этган бўлса, Самарқандда бу кўрсаткич 9 фоизни ташкил этган ёки жами 700 нафар талабалардан 187 нафари талабаликка бағишлов тадбири уларнинг ёдларида қолганлигини таъкидлаганлар. Бу ҳам албатта, бир натижа ва у беихтиёр мулоҳазага чорлайди. Самарқанд ахборот технология ҳамда иқтисодиёт ва сервис институтларида талабаликка бағишлов кечалари уларнинг ёдидан чиқмайдиган қилиб ўтказилади. Талаба бўлган ҳар бир ёш йигит-қизнинг ёдида ушбу кун унутилмас бўлиб қолиши учун қизиқарли тадбирлар амалга оширилади, ҳатто талабаларга эсдалик совғалари ҳам берилади. Талабаликнинг ўзига хос талаблари ва вазифалари тушунтирилади...Ушбу тадбирлар ана шундай масалаларни муҳокама қилиш ва ёшларни ўз-ўзига танитишга қаратилганлиги билан ибратли.

Юртбошимиз Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётида ёшларнинг ролига катта эътибор бериб келмоқдалар. Президентнинг бир фикри жуда муҳим: “Бу ўринда гап ҳозирги кунда жами аҳолимизнинг 64 фоиздан ортиғини ташкил этадиган ёшлар ҳақида, таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган ёшлар ҳақида, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир ёшлар ҳақида бормоқда”.¹³

Юртбошимиз келажак авлодга ана шундай катта умид билан қараётган ҳозирги вақтда уларнинг ўз-ўзини англашларига, аждодларимиз меросига қадрият деб қарашига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шуларни аниқлаш учун ўтказилган қатор социологик сўровлар ёшларимиз дунёқараши жадал шаклланаётганини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бораётган ижтимоий жараёнлар ёшларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, қадриятлари йўналишларига бевосита таъсир қилаётганлиги кўзга ташланади. Олимлар олиб борган қатор кузатиш ва тадқиқотлар ёшларимизнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралашаётганини, барча жараёнларга улар ўзига хос қизиқувчанлик, шиддат ва янгиликни илдам қабул қилиш иқтидорини намойиш этаётганлиги аниқланди. Уларнинг асосий қисми мамлакатимиз эртанги кунига комил ишонч билан қарамоқда ва уларнинг истиқбол режаларини амалга оширишга ишонч билдирмоқда. Масалан, 2006 йилда республикаимиз ёшларининг салкам 24 фоизи “Қайси соҳа бўйича таълим олмақчисиз?” деб берилган саволга иқтисодиёт, менежмент соҳасини, деб жавоб беришган бўлса, 2007 йилда уларнинг ҳиссаси 27 фоизга ўсган. “Нима учун ушбу касбни танладингиз?”

¹³ И. Каримов. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохотлар ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2008 йил 9 февраль.

деган саволга 23 фоиз ёшлар “инсонларга реал фойда келтириш имконияти учун” деб жавоб берганлар. Шунингдек, яна 6-7 йўналиш бўйича ҳам саволлар берилганки, уларга ҳам ёшлар эркин ва озод шахс сифатида жавоблар берганлар. Ўз мамлакатининг эртанги кунига масъулият ва унинг ўтмишига муносиблик ҳисси уларда устувор эканлиги жавобларда яққол кўзга ташланади. Бу эса мустақиллик йилларида ёшларнинг ижтимоий қиёфаси тубдан ўзгарганини кўрсатадиган аниқ қадриятдир. Ҳаттоки уларнинг ҳаётини нуқтаи назарларида ҳам ўзига хос ва мос тарзда тадрижий ўзгаришлар бўлгани яққол сезилади. Уларнинг Ватанга садоқат (53,5 %), уни ҳимоя қилишга шайлик (51,9 %) уларнинг қарорларида акс этиб турибди.¹⁴

Миллий анъаналар ва урф-одатлар каби қадриятларимизни сақлашни муҳим бурч деб биладиган ёшлар ҳам йилдан йилга ошиб бораётгани (31,4 %) диққатга сазовор. Шунинг учун уларнинг манфаатлари ва қизиқишларини мудом ўрганиб бориш бир марталик, онда-сонда амалга ошириладиган кампаниячилик бўлмай доимий жараёнга айланиши лозим. Ёшларнинг фикрини ўрганиш, уларнинг дунёқарашини шакллантиришга боғлиқ ижтимоий-иқтисодий компонентларни ҳисобга олиш ёшлар билан истиқболдаги ишларни режалаштириш имкониятини беради.

Талабаларнинг оила тўғрисидаги суҳбат ва мулоқотларга ҳам аҳамият бераётганлиги кўзга ташланади. Айниқса битирувчи талабалар оила тўғрисидаги суҳбатларга фаол қатнашаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бошқа тадбирларда иштирок этган ва уларни эслаб қолган талабалар ҳар икки шаҳарда деярли бир хилда. Самарқандда 3,5 фоиз ва Андижонда 3 фоиз атрофида экан. Талабалар сўровномага жавобларда тадбирларнинг ортиқча дабдабасиз, расмийчиликсиз бўлишини хоҳлаганлар. Ёшларнинг ўзи ўз ихтиёрлари билан тадбирлар уюштиришни таклиф қилганлар. Шоирлар, ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлардан яхши таассурот олган талабалар уларнинг мазмун-моҳиятини кенгайтириш лозимлиги ҳақида таклифлар ҳам билдирганлар. Ёшлар фақат кузатувчи бўлиб эмас, балки ўзлари учрашувларнинг бевосита иштирокчиси бўлишларини хоҳлашади. Ана шунда уларнинг ўртасидаги мулоқот ҳам жонли ва эса қоладиган бўлади. Бу эса уларнинг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир этади ва фикрини тўғри йўналишга солади, дунёқарашини бойитади.

¹⁴ Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. «Ижтимоий фикр» Т. 2008. Б.-30-33.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3 бет
Янгича фикрлаш-тараққиёт омили	4 бет
Ёнимиздаги одам	8 бет
Оқибат	14 бет
Лоқайдлик ҳам таҳдид	17 бет
Оилада ким етакчи?	23 бет
Катталарни ҳурмат қилишни биласизми?	27 бет
Ҳуқуқни англаш йўли	33 бет
Жўмардлик масъулияти	39 бет
Учқур отдир йигитнинг ори	44 бет
Одам савдоси: муаммо ва ечим	49 бет
Ёшларнинг маънавий эҳтиёжларидан бири	57 бет